O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Инсон манфаатлари — олий қадрият

АДОЛАТ

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ 22 ФЕВРАЛДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

2006 ЙИЛ 10 МАРТ, ЖУМА ● СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА ● № 11 (559) ● www.adolat.uz ● E-mail: adolatgazeta@sarkor.uz

Ушбу сонда:

НАМАНГАН НОЗИМЛАРИ — истиқлол бадиалари
ДЕПУТАТ КЎМАГИ — партия кўзгуси
2

ЭГАМЕНЛИК — миллий ғурур
ҚАРЗИМНИ ОЛОЛМАЯПМАН — сўраган эдингиз
3

«МЕН КЎП ИШГА ҚОДИРМАН» — психолог маслаҳати
ИБН СИНОНИНГ БОЛАЛИГИ — илк сабоқлар
4

Фракция йиғилишида

Масъуллик ва даҳлдорлик

ҳисси фаолиятда етакчи омил

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Ўзбекистон "Адолат" СДП фракциясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Уни фракция раҳбари Дилором Тошмуҳамедова бошқарди.

Йиғилишда давлатимиз раҳбарининг Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг муҳим устувор йўналишларига бағишланган йиғилиши ҳамда Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисидаги маърузаларидан келиб чиқадиган долзарб вазифалар, жорий йил иш режаларига қўшимчалар киритиш, сайловчилар билан учрашувлар жараёнида кўтарилган муаммолар ва уларнинг ечими юзасидан билдирилган таклиф-мулоҳазалар муҳокама этилди.

Дилором Тошмуҳамедова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, "Адолат" СДП Сиёсий Кенгашининг биринчи котиби:

— Мамлакатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида ижтимоий-иқтисодий соҳаларда қўлга киритилаётган ютуқлар билан бирга ҳамон йўл қўйилаётган хато ва камчиликлар хусусида атрофлича тўхталиб ўтдилар. Мавжуд муаммолар нималардан иборат эканлиги, уларни қандай бартараф этиш мумкинлиги хусусида ўзларининг аниқ йўл-йўриқ ва кўрсатмаларини бердилар. Маърузада билдирилган фикрлар, белгиланган устувор вазифалар барчамиз учун дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Яна шуни алоҳида таъкидлаш керакки, Қонунчилик палатасининг Олий Мажлис Сенати билан ҳамкорлигини самарали деб айта олмаймиз. Бу масалага Олий Мажлис Сенатининг бешинчи ялпи мажлисида Юртбошимиз алоҳида урғу бердилар. Палатанинг минтақалар, депутатларнинг сайловчилар, маҳаллий ҳокимият органлари билан алоқаси, жамоатчилик билан ишлаши ҳам талаб даражасида эмас. Депутатларнинг жойларда сайловчилар билан учрашувларга чиқиши аниқ ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал этиш, электорат манфаатларига тааллуқли муаммоларни аниқлаш ва кейинчалик уларни палата мажлисларига киритиш учун асос бўлиб хизмат қилмаётир. Палата қабул қилган қонунлар ва қарорларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш бўйича назорат-таҳлил фаолиятида камчиликлар бор. Албатта, булар оқилона хулоса чиқариш ва иш фаолиятимизни янада жонлантиришни, асосий йўналишларимизни қайтадан кўриб чиқишни талаб этади.

Абдурафиқ Аҳадов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси раиси, фракция аъзоси:

— Бугунги кунда олдимизга қўйилган масала ниҳоятда долзарб. Айниқса, сиёсий партияларнинг жамият ҳаётидаги ўрни нечоғли зарурлигини яна бир карра ҳис қилиб турибмиз.

Иқтисодий соҳадаги мавжуд қонунчиликни такомиллаштириш, самара бермаётган қонунларни қайта кўриб чиқиш нафақат қўмитанинг балки фракция олдидаги маъсулиятли вазифалардан бири. Шу ўринда қонунлар устидаги иш жараёнларида фракция аъзоларининг фаоллигини ошириш, иқтисодиётимизга зарур бўлган қонунларни киритиш ниҳоятда муҳимдир. Дарҳақиқат, қабул қилинаётган қонунларнинг барчаси ҳам бугунги кунда тўла ва самарали тадбиқ этиляптими? Масалан, «Кооперация тўғрисида»ги қонун ҳаётга нима берди? Ёки «Биржалар тўғрисида»ги қонун-чи? Афсусланарлиси, бирор депутат ёки сиёсий партиялар бу ҳақда жиддий бош қотирмаётир. «Адолат» СДП депутатлари ҳам мавжуд қонунлар юзасида ўз таклифларини бериб борса фойдадан ҳоли бўлмайди.

Худоёр Маматов, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, фракция аъзоси:

— Президентимиз Сенатнинг бешинчи ялпи мажлисида сўзлаган нутқида Олий Мажлиснинг юқори палатаси фаолияти, унинг қисқа вақтда амалга оширган ишлари, эришилган натижалар, шу билан бирга эътибордан четда қолган масалаларга алоҳида тўхталиб ўтдилар. Ўтган вақт Сенат фаолиятига қатъий баҳо бериш учун унча катта муддат эмаслигини, лекин шу давр мобайнида қилинган ишлар бўйича хулоса чиқариш мумкинлигини таъкидлаш аносида қўйидагиларга эътибор қаратдилар:

Биринчидан, Сенат ўзининг амалий фаолиятида дастлабки кунларданоқ профессионал қобилиятини, аниқ мақсадларга йўналтирилган иш услубини намойиш этди. Қонунчилик ҳужжатларини тасдиқлаш ҳамда мамлакатимизнинг ҳаётига оид муҳим муаммоларни ҳал этиш йўлида қарорлар қабул қилишга қодир ҳокимият органи сифатида ўзини кўрсатди.

Иккинчидан, Конституциямизга киритилган ўзгаришлар ва қабул қилинган конституциявий қонунларга мувофиқ ташкил этилган Сенат ўзини мамлакатимиз олий қонунчилик органининг юқори палатаси сифатида зарур эканини яна бир карра исботлади. Сенатнинг ўтган даврдаги фаолияти бу ҳақиқатни тўла-тўкис тасдиқлади.

Учинчидан, ўтган вақт мобайнида Сенат ўзининг тўртта ялпи мажлисида мамлакатимизда олиб борилаётган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш учун катта аҳамиятга эга бўлган 19 та қонунни кўриб чиқиб маъқуллади. Тўртта қонунни қайтарди. Улар бўйича Қонунчилик палатаси билан келишув комиссиялари тузилиб, барча баҳсли масалалар кўриб чиқилди.

Икки палата ўртасида шаклланаётган мана шундай эътиборга молик муносабат ва тажриба, аввало бугун парламентимизда демократик кўникма ва жараёнлар қарор топаётганидан дарак беради. Мамлакатимизнинг қонунчилик ҳокимияти тизимида қабул қилинаётган қонунларнинг юксак сифати ҳамда жамиятдаги манфаатлар уйғунлигини таъминлайди.

Шу билан бирга, Юртбошимиз маърузаларида таъкидланганидек, Сенат фаолиятида айрим камчилик ва нуқсонларга ҳам йўл қўйилмоқда. Минг афсуски, қабул қилинаётган қонун ва қарорларимизни жойларга етказиш, кенг тушунтириш-тарғибот ишларини амалга ошириш каби масалалар бугунги кунда фаолиятимизнинг оқсоқ томонига айланиб қолмоқда. Бундай вазифаларни амалга ошириш Сенат аъзолари қаторида Қўйи палата депутатлари зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди.

Х. НОСИРОВ олган суратлар

Йиғилишда шунингдек, депутатлар Исмоил Саифназаров, Зуҳра Ботирова ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришиб, сиёсий фаолликни ошириш, мамлакат тараққиёти ва келажаги олдидаги масъуллик, даҳлдорлик ҳиссини кучайтириш зарурлигини таъкидлашди. Танқидий руҳда ўтган йиғилиш сўнгида фракциянинг нуқтаи назари белгилаб олинди.

Муносабат

Меҳнат ва манфаат эш бўлса...

Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамасида ўтган йил натижаларини баҳолаш ва жорий йил вазифаларини белгилаб олиш бўйича ўтказилган мажлисда қилган маърузасини Андижон вилоят аҳли чуқур ўқиб-ўрганмоқда. Мажлисда Юртбошимиз 2006 йилда амалга оширилиши лозим бўлган кенг қамровли ишларни атрофлича таҳлил қилиб берди. Жумладан, фермер хўжаликларини янада ривожлантиришнинг ойдин йўллари алоҳида кўрсатиб ўтилди.

С.Худойберганов, Андижон туманидаги "Бободеҳқон Жўрабой" фермер хўжалиги раҳбари:

— Қишлоқда ер ўз эгасини топди ҳисоб. Зарар кўриб ишлаётган ширкатлар тугатилиб, улар негизида истиқболли фермер хўжаликлари ташкил этилди. Бир мисол: Ғойиб Тошматов номли ширкат хўжалиги узоқ йиллар на ўзини ўнглади, на хўжалик аъзоларининг бирини икки қилди. Эгасизликнинг охири манфаатсизлик бўлиб чиқди ва оқибатда ширкат қулоғигача қарзга ботди. Бугун ўша хўжалик ўрнида танлов асосида ўнлаб фермер хўжаликлари тузилди.

Мен ўзим 1995 йили 10 гектар майдонда хўжаликни кенгайтириш учун ўтказилган тендер танловида иштирок этиб, 55 гектар ер майдони қўйилган 5-лойиҳанинг ғолиби бўлдим. Энди, жами 65 гектар ер майдонимиз бор. Тупроқ таркибини дармондори — ғунгга тўйдириш, капитал текислаш диққат марказимизда туради. Ер ҳам саховатини дариғ тутаётгани йўқ. Биргина ўтган йилни 6 миллион сўм соф даромад билан якунладик. Ишчиларимизнинг манфаатдорлиги ҳам шунга яраша бўлди. Манфаат билан меҳнат эш бўлса, даромад кўпайиб, турмуш тарзи яхшиланади.

Қ.Шерматов, Балиқчи туманидаги "Шермат ота" фермер хўжалиги раҳбари:

— Ҳеч ким шунчаки қуруқ ном учун фермер бўлмайди. Унинг гарданидаги юкни ҳақиқий деҳқон бўлган кишигина англайди. Фермер елкасидаги масъулият шунчалар залворлики, шу масъулият юки остида кунларни тунларга, фаслларни фаслларга улаб меҳнат қилади. 10 йилдирки, фермерман. Хўжалигимиз асосан пахтачилик ва чорвачиликка ихтисослашган. Дастлаб 9 гектар ерда деҳқончилик қилиб, 30 бош қорамол билан иш бошлаган бўлсак, ҳозир еримиз ҳам, чорва молларимиз ҳам икки баробар кўпайди. Ана шу ўтган йилларга бир назар ташласам, осон бўлмаганлигини нафақат ўзим, мен билан елкама-елка турганларгача билади. Негаки, бир бош молни эплаб-сеплаб боқолмаётган одамлар ҳам йўқ эмас-да...

Насиб этибдики, бадастир яшаяпмиз. Вақти-вақти билан ён-атрофимиздаги кам таъминланган оилаларга баҳоли қудрат мадад ҳам бериб турибмиз. Қисқаси фермерликнинг ўзига яраша заҳматиям, роҳатиям бор. Заҳмат чекмасанг роҳат қайда...

Ҳа, бугун Президентимиз ташаббуси ва раҳнамолигида қишлоқ хўжалигида туб бурилиш юз берди. Бу яқин йилларда иқтисодиётимиз тараққиётига яна ҳам катта ҳисса қўшишига ишонаман.

Баҳор нафаси

Фарғонада Наврўз тараддуди

Юртимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Наврўз байрами олдидан бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари олиб борилаётир. Зеро, бу умумхалқ байрамини ҳар йили ўзгача шукуҳ, ўзгача тароват билан қарши олиш хайрли анъанага айланган.

Фарғонада ҳам Наврўз байрамига пухта тараддуд кўрилмоқда. Ободонлаштириш ишларида катта-ю кичик фаол иштирок этмоқда. Хусусан, 43 гектар майдондаги майсазор ва гулзорлар тозаланиб, ўғитланди. "Бешбола" иссиқхонасида ундирилган гул кўчатларини кўчалар, боғлар, хиёбонларга экиш ниҳоясига етказилянти. Бу ишларда бир қатор ўқув юртлари ҳамда ташкилот ва корхоналар ўрнак кўрсатяпти.

Ёшлар маданият ва спорт мажмуаси теграсидаги, шунингдек, Алишер Навоий, Қувасой, Мустақиллик кўчаларидаги хиёбонларга экилган манзарали дарахтлар шаҳар ҳуснига ҳусн қўшди.

Бир қатор кўчалар таъмирланди. Қувасой кўчасидаги Марғилонсой кўприми, Охунбобоев даҳасидаги пиёдалар ўтиш кўприклари таъмирдан чиқарилди. Айни пайтда Фарғона-Қўқон йўли ўртасидаги гулхоналарни мунтазам суғориш учун 2800 метр узунликдаги қувурлар ётқизилмоқда. Байрам арафасида фойдаланишга топширладиган бир қатор савдо расталари, ижтимоий объектларда ҳам ишлар охирига етказилди. Ўтказилаётган ҳар бир ҳашар кўча ва хиёбонлар, тураржой мавзеларининг орасталигини таъминлашга хизмат қилянти.

Ўзининг 2000 йиллик тўйига ҳозирлик кўраётган Марғилон шаҳрида, Қўқон шаҳри ва бошқа туманларда ҳам бу борадаги ишлар қизғин давом этмоқда.

ЎзА

Мусоҳаба

Ҳакамлик суди

тезкор, холис ва самарали мустақил тизим

Музаффар АБДУШУКУРОВ, "Адолат" мухбири

Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси учинчи ўқишда қабул қилинган эди. Мазкур янги суд қонуни ва унинг мазмун-моҳияти билан яқиндан танишиш мақсадида қонун ташаббускорларидан бири "Адолат" СДП фракцияси аъзоси, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Ойша Ахуновадан шу ҳақда сўзлаб беришини сўрадик.

— Ҳакамлик судлари мустақил мамлакатимиз учун янги институт. Қонуннинг мақсади ҳакамлик судларининг аниқ мақомини белгилаб беради. Уларнинг фаолият юритиши учун асос бўлиб хизмат қилади. Мамлакатимизда ҳакамлик судлари институтининг жорий этилиши хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштиради ва тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун қулай ҳуқуқий, иқтисодий шарт-шароитларни шакллантиради. Бу муқобил суд институти тадбиркорга хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий муносабатларидан келиб чиққан низоларни ҳал этишда давлат суди ёки ҳакамлик судига мурожаат қилиш имкониятини беради.

Ҳакамлик суди тизими моҳиятан келишув омилларидан кенг фойдаланишга асосланади. Бу низолар сонини камайтириб, тадбиркорлар ўртасида шерикчилик муносабатлари ўрнатилишига яхшигина туртки бериши мумкин.

(Давоми 2-бетда.)

«Адолат» га жавоб берадилар

Камчиликлар бартараф этилди

Газетамизнинг 2005 йил 22 декабрь сонида "Тендер таргиботи, ҳақиқий фермерни танлашда асқотади. Бироқ..." сарлавҳали танқидий мақола чоп этилган эди. Унда Наманган вилояти Уйчи туманида тугатилган ширкат хўжаликлари негизида тендер танловлари таргиботи суст бораётгани туфайли ер эгаси бўлиш истагидаги талабгорларнинг аризалари кам эканлиги, бу эса танловларга салбий таъсир кўрсатаётганлиги қаламга олинган эди. Яқинда таҳририятимизга мазкур танқидий мақола юзасидан Наманган вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ғ.Барноев имзоси билан қўйидаги жавоб хати келди.

"Адолат" газетанинг 2005 йил 22 декабрдаги 51-сонида эълон қилинган "Тендер таргиботи, ҳақиқий фермерни танлашда асқотади" сарлавҳали танқидий мақола Уйчи туманида тугатилаётган ширкат хўжаликларининг қайта ташкил этиш комиссияси раислари, тегишли ташкилотлар раҳбарлари ва кенг жамоатчилик ўртасида атрофлича ўрганиб чиқилди ва муҳокама қилинди.

Унда кўрсатилган камчиликларга йўл қўйган раҳбар ва мутахассисларни масъулиятлари оширилиб, ушбу камчиликлар бартараф этилди.

Туманда тугатилаётган ширкат хўжаликлари негизида фермер хўжаликлари ташкил этиш юзасидан туман ҳокимлиги, қишлоқ ва маҳалла фуқаролари йиғинлари раислари ва кенг жамоатчилик фаоллари томонидан қишлоқ ва маҳаллаларда, гузарларда аҳоли ўртасида кенг қамровли тушунтириш ва тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди.

Бундан ташқари, фермер хўжалиги ташкил этиш учун тендерларда қатнашиш юзасидан телевидение орқали кунига 3 марта эълонлар бериб борилди.

Тендер танловларини ошкора ва адолатли ўтказиш мақсадида меҳнат фахрийлари ва фаоллардан иборат жамоатчилик кенгашлари тендер якуни бўйича тузатиш комиссиясига берган ёзма хулосалари асосида фермер хўжаликлари ташкил этиш юзасидан туман ҳокимининг қарорлари қабул қилинган.

Вилоят ҳокимлиги келгусида мақолада кўрсатилган камчиликларни такрорланмаслик чораларини кўради ва ўз назоратига олади".

Тергов олиб борилмоқда

Газетамизнинг 2006 йил 14 январь сонида "Шартнома шарти бузилди, бундан ким манфаатдору ким..." сарлавҳали танқидий мақола чоп этилган эди. Яқинда мазкур мақола юзасидан Олмалиқ шаҳар прокурори, адлия маслаҳатчиси Қалқон Жўраев номидан жавоб хати олдик. Унда жумладан шундай дейилади:

"...Олмалиқ шаҳрида 1991 йилгача қурилган кўп қаватли уйларда 2005 йилда кўзда тутилган 49 та уй-жойдан 34 тасида пудратчи ташкилотлар томонидан мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилган. Ушбу 34 та уйда буюртмачи Олмалиқ шаҳар ҳудудий қурилиш бирлашмаси томонидан ички танловлар ўтказилмасдан, пудратчи ташкилотлар билан тўғридан-тўғри шартномалар тузилган.

Мукаммал таъмирлаш ишлари амалга оширилган 22 та турар-жой биноларида назорат ўлчови ўтказилганида бажарилган 292 миллион 471 минг 700 сўмлик қурилиш-монтаж ишларидан 30 миллион 162 минг 49 сўмлик асоссиз расмийлаштирилган ҳажмлар ва ягона солиқ қўшиб ёзилганлиги аниқланди.

Шунингдек, Олмалиқ шаҳар ҳудудий қурилиш бирлашмаси томонидан "Олмалиқ қурилиш" масъулияти чекланган жамиятдан харид қилинган 74 миллион 185 минг 900 сўмлик қурилиш-сантехника материалларининг нархи Ўзбекистон Улгуржи савдоси бўйича Республика Акциядорлик компанияси омборларидан етказилиши мумкин бўлган "Прайс лист" билан солиштирилганида 3 миллион 96 минг 500 сўмга қиймат олинганлиги ҳамда 886 минг 300 сўмлик транспорт харажатлари асоссиз киритилганлиги, жами 43 миллион 53 минг 548 сўмлик қўшиб ёзишга йўл қўйилганлиги аниқланди.

Ўтказилган текширишда шаҳар ҳудудий қурилиш бирлашмаси ва пудратчи ташкилотлар томонидан 8 миллион 52 минг 900 сўмлик бюджет маблағлари талон-торож қилинган.

Текшириш натижасига кўра, мансабдор шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми "а" банди билан жиноят иши қўзғатилиб, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Олмалиқ шаҳар Молия бўлими томонидан шаҳар ҳудудий қурилиш бирлашмаси ҳисоб рақамига тегишли пул маблағларини ўтказиб берилганлиги ёки берилмаганлиги ҳолатларини аниқлаш мақсадида текшириш ўтказилмоқда, унинг натижасига кўра тегишли прокурорлик таъсир чоралари қўлланилади.»

Партия кўзгуси

Депутат кўмаги

Носир ҲАЙДАРОВ,
"Адолат" мухбири

"Адолат" социал-демократик партияси аъзоси, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати, "Файз" холдинг компанияси раиси Мукаррамхон Азимова сайловчилар билан тез-тез учрашувлар ўтказиб, уларни қийнаб келаётган муаммоларни бартараф этишда ўз кўмагини кўрсатиб келаётир. Яқинда ана шундай учрашувлардан бири Сиргали туманидаги уй-жой мулкдорлари ширкатлари раислари билан бўлиб ўтди.

Учрашувда сўз олган М.Азимова ижтимоий-иқтисодий соҳада олиб борилаётган кенг қамровли ислоҳотлар, янги қабул қилинаётган қонунлар ҳамда партия фаолияти ва позицияси тўғрисида тўлиқ маълумот берди.

— Инсон манфаати ва унинг қадр-қимматини асраб-авайлаш энг олий мезон, — деди у ўз сўзида. - Партиямиз ҳам бу ақидага қатъий амал қилиб, кам таъминланган, моддий ёрдам ва эътиборга муҳтож оилаларга ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш борасида талайгина ишларни амалга ошираяпти.

Учрашувда сўзга чиққан шаҳар уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси раҳбари А.Миржалилов ширкатларнинг хизмат кўрсатиш сифатини ошириш, аҳолининг мулкка бўлган муносабатини ўзгартириш учун маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда тушунтириш ишлари олиб боришни янада жонлантириш лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Самимий баҳс-мунозарага бой бўлган учрашув қатнашчилари, яъни уй-жой мулкдорлари ширкатлари раислари ўзларини қийнаб келаётган муаммолар хусусида очиқ гапиришди. Хусусан, аҳоли қарздорлигининг ошиб бораётганлиги сифатли хизмат кўрсатишга тўсиқ бўлаётганлиги бот-бот такрорланди. Бу муаммоларни бартараф этиш чоралари хусусида партия фаоли М.Азимова ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари уюшмаси раҳбари А.Миржалиловлардан керакли маслаҳат ва тавсиялар олишди.

Вазифалар белгиланди

Д.ЖАББОРОВ,
"Адолат" мухбири

"Адолат" СДП Бухоро вилоят Кенгашида йиғилиш бўлиб ўтди. Унда "Ҳомийлар ва шифокорлар йили" Дастурини амалга оширишда партия фаолларининг мақсад-вазифалари ҳақида сўз борди. Вилоят партия Кенгаши биринчи котиби Раҳмат Аҳмедов бу ҳақда йиғилганларга батафсил маълумот берди. У партия Фаолият дастуридан келиб чиқиб жойларда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар, бу борада фаолларнинг ташаббускорлиги, фаоллик кўрсатиб ҳаракат қилишлари ҳақида ҳам алоҳида тўхталди.

Шундан сўнг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, фракция аъзоси Зуҳра Ботирова сўзга чиқди.

— Вилоятда бу борада олиб борилаётган ишларни таҳлил этар эканмиз, — деди у жумладан, — партия нуфузини ошириш йўлида бир қатор ютуқлар қўлга киритилганини эътироф этиш лозим. Бироқ, ютуқлар ўзимизники. Олдимизда турган мақсад-вазифалар эса талайгина. Партия хотин-қизларни ўзи таянадиган энг муҳим ижтимоий қатлам деб билади. Шу боис, аввало аёлларимизнинг, айниқса қишлоқ жойларда яшовчи хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, касаначиликни ривожлантириш орқали уларни иш билан таъминлаш, ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоялашга катта эътибор қаратиш лозим.

Йиғилишда Бухоро ва Ғиждувон туман Кенгашлари биринчи котиблари Файзулла Раҳматов, Ғолиб Пўлатов ва бошқалар сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Йиғилишда келгусида қуйи партия ташкилотлари фаолиятини янада жонлантириш борасида аниқ таклифлар билдирилди.

Истиқлол бадиалари

Наманган нозимлари

Барот БОЙҚОБИЛОВ

(Давоми. Боши ўтган сонларда.)

Фазлий Намангоний (асли исми Абдукарим) XVIII асрнинг охири XIX асрнинг бошларида яшаб ўтган шоир. У Қўқон хони Амир Умархон саройида шоирларга етакчилик қилган. Фазлийнинг савоб ишларидан бири шуки, у ўзи яшаб ўтган давр шоирлари ҳақида "Мажмуаи аттуш-шуаро" тазкирасини тузиб, улар ижодидан намуналар келтирган. Манбаларда унинг туркий тилда "Шоҳнома" номли асар ёзгани ҳақида маълумотлар бор, лекин бу асар бизгача етиб келмаган.

Фазлийнинг шоира Маҳзуна билан мушоираси эл орасида машҳур. Ушбу мушоирани забардаст адабиётшунос олим Тўхтасин Жалолов "Ўзбек шоиралари" китобига киритиб, халқимизни баҳраманд этган. Бироқ, афсуски, Фазлий Намангоний ижоди ҳанузгача атрофлича ўрганилган эмас.

Наманганнинг саховатли заминидан не-не Чустийлар, Тўрақўрғоний, Косоний, Ахсикентийлар етишиб чиқмаган дейсиз. Ана шундай фидойи инсонлардан бири шоир Сўфизодадир. Унинг асл исми Муҳаммадшариф бўлиб, 1869 йили Чустда ҳунарманд оиласида туғилган. Сўфизоданинг тақдири айрим жиҳатлари билан Машраб ҳаётига ўхшаб кетади. У дастлаб Вахший тахаллуси билан шеърлар битган, Қўқонда яшаб ижод қилган. Лекин шеърларида ўзи яшаб турган даврнинг жирканч томонларини очиб, ҳукмдорларга ёқмагани учун Қўқондан қувилган. Бироз муддат Чустда яшагач, Боку, Тифлис ҳамда Туркия, Арабистон ва Ҳиндистоннинг кўпгина шаҳарларида бўлган, ижодий дўстлар орттирган. Истамбул университетида бироз муддат таҳсил олгач, иқтисодий қийинчилик туфайли таҳсилни давом эттиролмасдан она юртига қайтиб, Қўнғиротда 1910-1913-йилларда ўқитувчилик билан шуғулланади. Сўнгра Чустга қайтиб, янги усулдаги жадид мактабини ташкил этади, лекин у руҳонийлар томонидан ёпиб қўйилади. Сўфизоданинг бу даврдаги ижодида маърифатпарварлик ғоялари етакчилик қилади, у "Садои Туркистон", "Туркистон вилоятининг газети"да фаол қатнаша бошлайди.

Сўфизода 1915 йилда яна Ҳинд сари юзланиб, сўнгра Афғонистонда умргузаронлик қилади, Афғонистон маориф вазирининг ўринбосари лавозимида ишлайди, кейинчалик она юртга қайтади. У Ҳамза Ҳакимзода, Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Абдулла Авлонийлар сингари баркамол ижод қилади. Унга 1926 йилда "Ўзбекистон халқ шиори" фахрий унвони берилади. 1937 йилда она шаҳри Чустда вафот этади. Адибдан халқимизга дилбар ғазаллар, маърифатга чорловчи кўплаб шеърлар мерос қолди.

Сулаймонхўжа Улуғхўжа ўғли Нодим Намангоний (1844-1910) зуллисонайн шоир бўлиб, туркий ва форсийда асарлар яратган. Муқимий, Фурқат, Завқий, Шавқийлар билан дўст бўлган. Халқ дарду ғами билан яшаган шоир давр жабру жафоларини ўз бошидан кечирган. Инсонпарварлик, маърифатпарварлик ғоялари билан нафас олган. Шоирнинг ўзи тузган "Баёзи Нодим" куллиёти мавжуд. Истиқлол шарофати билан мустақилликнинг ўн уч йиллиги арафасида Наманган аҳли юксак эҳтиром кўрсатди — шоир қабрига муҳташам мақбара ўрнатилди.

Халқимиз илм-фани ва маданиятига улкан ҳисса қўшган Наманганнинг яна бир муҳтарам фарзанди Исоқхон Жунайдуллохўжа ўғли Ибратдир. Шоир Ибрат хат-саводни онаси Ҳурбибидан ўрганиб, кейинчалик Қўқон мадрасасида таҳсил олган. У тақдир тақозоси билан 1887-1895-йилларда Истамбул, София, Афина, Рим, Жидда, Қобул, Бомбай ва Калькутта шаҳарларида яшаган, хорижий юртлар халқларининг ҳаёти билан яқиндан танишган, тилларини ўрганган. 1907 йили она қишлоғи Тўрақўрғонда янгича усулдаги мактаб, "Матбааи Исоқия" номли босмахона очган.

Ибрат шеърий девон тузиш билан бирга, улкан тилшунос ва тарихшунос олим сифатида ҳам халқимиз маданиятига катта ҳисса қўшган. Айниқса, унинг Қўқон хонлиги тарихидан ҳикоя қилувчи "Фарғона тарихи" (1916), "Тарихи маданият" (1925), "Мезон ул-замон" (1921) асарлари халқимиз тарихини, маданиятини ёритишда бугунги кунда ҳам улкан аҳамиятга эга. У 1937 йили ўзи туғилиб ўсган Тўрақўрғонда вафот этган.

Шўро даврида Намангандан етишиб чиққан шоир ва адиблардан икки кишининг номини алоҳида эслашни истардим. Улардан бири шоир Зафар Диёр, иккинчиси ёзувчи Парда Турсундир. Уларнинг иккаласи ҳам қисқа умр кечирса-да, ўзбек адабиётида ўзига хос из қолдирди.

Зафар Диёр 1912 йили Чустнинг Самсоқтепа қишлоғида туғилган, болалиги оғир кечган, у болалар уйида тарбия топган. Зафар Диёр бор-йўғи ўттиз олти йиллик умри давомида ўзбек адабиётидаги бир бўшлиқни, яъни болалар адабиётини тўлдиришга ҳаракат қилди. Ундан ҳали-ҳануз болаларимиз севиб айтиб юрадиган ўйноқи оҳангли ажойиб шеърлар ёдгор бўлиб қолди.

Парда Турсун Поп туманидаги Чоркесар қишлоғида 1909 йили туғилган, етимликда ўсиб-улғайган. Шу боисдан ҳам унинг "Ўқитувчи" номли романи ўзининг ҳаётийлиги билан ажралиб туради. Бу романнинг ўтган асрнинг 50-йилларида адабиётимизда пайдо бўлиши катта воқеа эди. Асарда халқимиз ҳаётини маълум бир даври жонли тасвирларда баён қилинган, энг асосийси, унда инсонлар тақдири таъсирчан ёритилган. Парда Турсун 1957 йили оғир касалликдан вафот этган. Адиб туғилган маскан айни замонда унинг номи билан юритилади.

Яна бир наманганлик адиб Йўлдош Шамшаров журналист, таржимон сифатида катта хизматлар қилди. Чет эллик машҳур ёзувчиларнинг асарлари билан халқимизни таништирди, матбуотимизда ўзининг долзарб мақолалари, очерклари билан мунтазам иштирок этди. Йўлдош ака ҳассос адиб, хоксор инсон эди. Адиб бир неча қиссалар, умрининг охирида эса "Чироқ" номли романини битириб, катта адабий мерос қолдирди.

Бу даврда адабиётида Ҳабибий домла, Чархий, Чустий ва Восит Саъдулла ғазал жанрида барақали ижод қилишди. Ғазал тезкор, шиддаткор давр нафасини ўзида баён этишга ожиз, деган фикрга унчалик ҳам қўшилиб, бўлмайди. Гап фақат шоирнинг, ижодкорнинг маҳоратига боғлиқ. Шоир Чустий ғазалларининг адабиётимизда ўз ўрни бор, унинг ғазаллари ҳали-ҳануз машҳур ҳофизлар тилидан тушмайди. Айниқса, унинг "Менга олам тинч бўлиб, дўстлар саломат бўлса бас" сатри ҳар бир ўзбекнинг дилидан ва тилидан жой олган. Радио ва телевидениемиздан таралган Чустий ғазали билан айтилаётган қўшиқларни халқимиз севиб тинглайди. Ўз юртдошининг ҳурматини жойига қўйган чустликлар эса ҳуррият замонида катта боғ яратиб, унда шоирга ҳайкал ўрнатишди.

(Давоми бор.)

Касаначилик — янгича мулкий имконият

ЎРТАЧИРЧИҚ ТУМАНИ: Янги ҳаёт қўрғонидаги Мустақиллик маҳалласида истиқомат қилувчи тадбиркор аёл Юлдузхон Қўзибоева, мана 30 йилдирки, тикувчилик билан шуғулланиб келади. У яқинда ўз ҳисобидан янги тикув цехини ташкил этди. Цехда 20 нафар хотин-қизлар фаолият кўрсатмоқда.

Зардўзлик, каштачилик каби тикув маҳсулотлари қўшни тумандан келган мижозларга хуш келмоқда. Тадбиркор аёл яқинда вилоят тадбиркорлар кўрик-танлови босқичида етакчи ўрин соҳибаси бўлди.

Ҳамкорлик самараси

Н. МИРЗАЕВА,
"Адолат" мухбири

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ҳамда Халқ демократик партияси Сирдарё вилоят Кенгашлари ҳамкорликда вилоятда тиббиёт тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлиги, соҳа ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштиришга оид ишлар кўлами ва келгусидаги вазифалар мавзуида семинар йиғилиши ташкил этди. Йиғилишда партия аъзолари, тиббиёт ва халқ таълими ходимлари иштирок этди.

Унда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари, "Адолат" СДП вилоят Кенгаши котиби Ф.Шерназаров сўзга чиқиб, Вазирлар Маҳкамасининг тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашни такомиллаштиришга оид қарори ижроси юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар ҳақида семинар қатнашчиларига батафсил тушунча берди. Шунингдек, нотиқ бугунги кунда соҳада амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотларнинг самараси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтди.

Савол-жавоб, баҳс-мунозараларга бой бўлган семинарда Халқ демократик-партиясининг вилоятдаги масъуллари Н.Эрматова ва М.Қиличева, Оқ олтин қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи директори Ё.Ҳайдаров, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти вилоят бўлими раиси Х.Назарова ва бошқалар соҳада олиб борилаётган ишлар юзасидан ўзларини қизиқтирган саволларга тегишли жавоб олишди.

Фаолларимиз

Жонкуяр сафдош

Комил САХАТОВ,
"Адолат" мухбири

Касбнинг яхши-ёмони йўқ, аслида. Эл-юртга фойда етказадиган неки ҳунар бор ҳаётда қадр топмоғи муқаррардир. Тиббиёт соҳасини танлаган пайтлардаёқ Содиқ Муродов аҳоли саломатлигини асрашга камарбаста бўлишни дилига туккан эди. Эзгу ният унга йўлдош бўлди — тиббиёт институтини битиргач, Шаҳрисабз туманида фаолиятини оддий шифокорликдан бошлади. Ишчанлиги туфайли эл назарига тушди, мукофотларга сазовор бўлди, шогирдларини тарбиялади, шифокорлик касбининг сирларини ўргатди.

Айни пайтда туман давлат санитария-эпидемиология назорати маркази жамоасида касаба уюшма қўмитасининг раиси сифатида ҳам ходимлар ижтимоий ҳимояси, тўй-маъракаларида бош-қош бўлиб келаётир. 2004 йили ўзи яшайдиган "Оқ олтин" қишлоғи аҳолиси Содиқ Муродовни "Адолат" СДП 30-Окдарё сайлов округидан халқ депутатлари туман кенгашига депутат этиб сайлашди. Ўзига билдирилган юксак ишончни у нафақат ўзи истиқомат қиладиган қишлоқ аҳолиси, балки ҳудуддаги барча қишлоқлар аҳлининг қувончу ташвишларига шерик бўлиб, имкон қадар уларнинг оғирини енгил қилиш билан оқлаб келаяпти.

Содиқ Муродов "Адолат" СДПнинг фаоллари қаторида маҳаллаларда, халқ таълими, соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда бошқа ташкилот ва корхоналарда ўтказилаётган тадбирларда партиянинг дастури ва Низомини кенг тарғиб этиб келмоқда.

Бундан ташқари, унинг ташаббускорлиги, жонкуярлиги боис аҳолининг табиий газ таъминотидаги узилишлар сабаби ўрганиб чиқилди. Қишлоқ хўжалигида доимий меҳнат қилаётганлар учун дала оромгоҳларида зарур шарт-шароитлар яратиб берилди.

— Партия Кенгашимиз томонидан амалга оширилаётган барча эзгу ишлар ишчан фаолларимизнинг беминнат ёрдамлари туфайли юзага чиқмоқда, - дейди туман партия Кенгаши биринчи котиби Мўмин Азизов. — Содиқ Муродов ана шундай фаолларимиздан. Бу жонкуяр инсон ўзи яшайдиган маҳаллада, фаолият олиб бораётган тиббиёт муассасасида, қолаверса, бутун туман миқёсида обрў-эътиборга эга. Айниқса, жойлардаги бошланғич партия ташкилотларининг фаоллигини оширишда, аъзоларимиз сиёсий онги ва маданиятини юксалтиришда жонбозлик кўрсатиб келмоқда. Аҳоли билан учрашувларда партия ғояларини тарғиб этиб, аъзолар сонининг ортишига кўмаклашаётир.

Ражабгардилик инспектор

Давур ЖОЗИЛОВ,
"Адолат" мухбири

Солиқлар — давлатимизнинг иқтисодий таянчи. Маҳаллий тушумлар, турли солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг давлат хазинасига ўз вақтида келиб тушишини таъминлаш эса соҳа ходимларига катта масъулият юклайди. Бунда, айниқса, ўз касбини шарафлаб, фидокорона меҳнат қилаётган участка солиқ инспекторларининг самарали фаолиятини алоҳида таъкидлаш жоиз. Боиси, улар фақатгина маҳаллий солиқларни давлат бюджетига ундириш билангина чекланиб қолмай, ҳудуддаги барча корхона ва ташкилотларга ҳам ўз амалий кўмакларини бериб келишмоқда. Қонунбузилишлар олдини олишда жонбозлик кўрсатишмоқда.

Ўзбекистон тумани Давлат солиқ инспекцияда участка инспектори вазифасида ишлаб келаётган Эркин Ҳотамқулов ҳам шундай фидойи инсонлардан. У солиқ хизматида фаолиятини илк бор 1997 йили оддий инспекторликдан бошлаган эди. Ўтган вақт мобайнида соҳанинг барча мураккаб вазифалари, усулларини қунт билан ўрганди, солиқ қонунчилиги тарғибот-ташвиқотида фаол иштирок этди. Ўз касбига бўлган садоқати, тиришқоқлиги, ташаббускорлиги боис турли вазифаларда самарали меҳнат қилди. Айни пайтда тумандаги «Ражабгарди» қишлоқ фуқаролар йиғини участка солиқ инспектори лавозимида ишлаб келмоқда. Ҳозирда ҳудудда 12400 нафар аҳоли истиқомат қилади. Ер солиғи тўловчилар 2887, мол-мулк солиғи тўловчилар эса 1964 нафарни ташкил этади.

— Имтиёзга эга солиқ тўловчилар ҳисобчини тегишли ташкилотлар маълумотномаси асосида алоҳида юритиб борамиз. Негаки, уларнинг ўз қонуний ҳуқуқларидан фойдаланишини таъминлаш, умуман, аҳоли ўртасида солиқ қонунчилигининг асл моҳиятини тушунтириш фуқароларда тўловлардан бўйин товламаслик, қонунга ҳурмат ҳиссини уйғотади, — дейди Эркин Ҳотамқулов.

Дарҳақиқат, участка солиқ инспектори айрим кунлари 10-15 километр масофани пиёда босиб, ҳар бир хонадон соҳиби, тадбиркору ишбилармон билан дилдан суҳбатлашади. Шу боис, маҳалла аҳлининг ҳурмат-эътиборида. Фуқаролар, ҳаттоки Эркин аканинг эшигини кеч бўлса-да тақиллатиб, солиқларни ўз вақтида тўлаб кетишга ҳаракат қилишади. Бунинг самараси ўлароқ ҳудудда маҳаллий солиқлардан ўтган йили 13710,0 минг сўм ундирилиб, йиллик режа июл ойидаёқ 100,1 фоизга бажарилишига эришилди. Албатта, бундай ютуқларга эришишда солиқ инспекторига кўмакчи, елкадош қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ҳусанбой Тўхтасинов, фаоллар Сотволди Ўринов, Шерзод Кимсановлар ҳам хизматлари беқиёс.

— Ютуғимиз, аввало қонунниликнинг аҳоли ўртасидаги тарғиботи, қолаверса, фуқароларнинг ўз мажбуриятларини тўғри англаб етганликларида, — дея таъкидлайди Эркин Ҳотамқулов. — Чунки давлат ғазнасига тушаётган барча тўловлар юртимиз ободлиги, фуқароларимиз фаровонлигини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

ТАФАККУР 2

Мусоҳаба

Ҳакамлик суди

тезкор, холис ва самарали мустақил тизим

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ҳакамлик судларини ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгиланган иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига ўтиш тамойилларини амалга ошириш учун муҳим бир қадам бўлди.

Мамлакатимизда бозор муносабатларининг ривожланиши, фуқаролик жамиятининг вужудга келиши ҳакамлик судларининг фаолият юритишини тақозо этмоқда.

Ҳакамлик судлари давлат судлари каби одил судловни амалга оширмайди. Бироқ, улар ҳам фуқаролар, ҳам юридик шахсларнинг қонун билан кўриқланадиган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қиладилар.

Ҳакамлик судлари институти тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги низони тезкор, объектив ва камхаражат ҳал қилишда ёрдам беради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг ишчи гуруҳи мазкур қонунни иккинчи ўқишга тайёрлаш устида 2005 йилнинг сентябрдан 2006 йилнинг февраль ойига қадар тинимсиз иш олиб борди. Иккинчи ўқиш жараёнида ўтказилган конференциялар, семинарлар ва давра суҳбатлари давомида кўплаб мутахассислар, экспертлар, судьялар, депутатлардан кўплаб фикр-мулоҳазалар, таклифлар олиниб, асослилари қабул қилинди.

Қонун лойиҳасининг деярли барча моддалари қайта ишлаб чиқилди. Моддаларни қайта ишлаб чиқиш давомида қатор моддалар тегишли қисмлар ва хат боши билан тўлдирилди. Шунингдек 2-бобга янги моддалар киритилиши муносабати билан кенгайтирилди.

Қонун лойиҳасидаги бир қатор моддалар Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига, Фуқаролик процессуал кодексига ва Хўжалик процессуал кодексига, тегишли моддаларнинг қисмлари ЮНСИТРАЛнинг халқаро савдо арбитражи тўғрисидаги намунавий қонуни талабларига мувофиқлаштирилди.

— Ушбу суднинг давлат судларидан фарқини қандай изоҳлаш мумкин?

— Ҳакамлик суди давлат судлари — фуқаролик ва хўжалик судларидан тубдан фарқ қиладиган мустақил тузилма ҳисобланади. Бу биринчи навбатда ҳакамлик судида низони кўриб чиқиш иштирокчиларининг процессуал ва моддий ҳуқуқ нормаларини танлашдаги эркинлигидир.

Давлат судларидан фарқли ўлароқ, ҳакамлик судида тарафларнинг ўзи судьяларни танлайди. Ҳакамлик суди чиқарган қарор юзасидан давлат судлари каби апелляция, кассация инстанциялари мавжуд эмас. Ҳакамлик суди қарори қабул қилиниши билан кучга киради. Яъни, қарор ижроси йиллаб чўзилиб ётиши ёки бир низонинг бир неча йил давом этишининг олди олинади.

Янги суднинг давлат судларидан яна бир фарқи шундаки, фақат ҳуқуқшунослар эмас, хўжалик соҳасидаги турли тармоқларнинг юқори малакали мутахассислари ҳам ҳакамлик суди судьялари бўлишлари мумкин.

"Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги қонун лойиҳасида ҳакамлик судьяларига бир қатор талаблар қўйилган. Низонинг бегараз ҳал қилинишини таъминлашга қодир, иш натижасидан манфаатдор бўлмаган, ҳакамлик муҳокамаси тарафларидан мустақил бўлган ва ҳакамлик судьяси мажбуриятларини бажаришга розилик берган, 25 ёшдан кичик бўлмаган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳакамлик судьяси вазифасини бажариши мумкинлиги кўзда тутилган.

— Суднинг чиқарган қароридан норози бўлиш мумкинми?

—Мумкин, лекин уни қайта кўриш тўғрисида шикоят қилиб бўлмайди. Гарчи норозилик ва шикоят маънодош бўлса ҳам, уларнинг орасида катта фарқ бор. Шикоят қилиш деганда ишни қайта кўриб чиқиш юзасидан апелляция ёки кассация инстанциясига тегишли ариза билан мурожаат қилиш кўзда тутилади. Ҳакамлик судининг қароридан норози бўлган томон бир ойдан кечиктирмай қарорни бекор қилишни сўраб ваколатли судга ариза билан мурожаат қилиши мумкин. Ваколатли суд ҳакамлик суди қарорини мазмунан кўриб чиқмайди. Қонунда назарда тутилган асослар бўйича ҳакамлик битими ҳақиқий бўлмаса, ҳакамлик судининг қарори ҳакамлик битимида назарда тутилмаган низо бўйича қабул қилинган ёки унда ҳакамлик битими доирасидан чиқувчи тўхтамлар мавжуд бўлса, бундай ҳолатларда ҳакамлик суди қарори бекор бўлиши мумкин. Ҳакамлик суди қарори ваколатли суд томонидан бекор қилинганда исталган ҳакамлик муҳокамаси тарафи ҳакамлик битимига асосан ҳакамлик судига мурожаат қилишга ҳақли.

— Ҳакамлик судлари қандай ташкил этилади?

— Ҳакамлик судларини икки тури мавжуд: доимий фаолият кўрсатувчи ва муваққат ҳакамлик судлари.

Доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судларини юридик шахслар, уларнинг бирлашмалари томонидан ташкил этилади. Бу ўринда таъкидлаш керакки, қонунда ҳакамлик судлари ташкил этиш ҳуқуқи фақат юридик шахсларга берилган. Алоҳида фуқаролар, якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркорлар ҳам доимий фаолият юритувчи ҳакамлик судлари туза олмайдилар. Шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан ҳам ҳакамлик судларини ташкил этишга йўл қўйилмайди. Юридик шахс доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик судини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинганида, ҳакамлик судининг қоидалари ва ҳакамлик судьяларини рўйхатини тасдиқлаганидан кейин доимий фаолият кўрсатувчи ҳакамлик суди ташкил этилган деб ҳисобланади.

Низолашувчи томонлар келишуви билан муваққат ҳакамлик судларини тузиш мумкин. Бундай тартибда тузилган муваққат ҳакамлик судлари аниқ бир ишни, яъни низони кўриб чиққач, ўз фаолиятини тугатади. Муваққат ҳакамлик судлари доимий фаолият кўрсатмайди.

— Ушбу қонун қайси меъёрий ҳужжатларга ўзгартиришлар киритишни тақозо этади?

— Қонун қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик ва Хўжалик процессуал кодексига ҳамда бошқа бир қатор қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозим. Акс ҳолда ҳакамлик судларини амалиётда самарали ишлаши таъминланмайди.

Шунингдек, ҳакамлар судлари тўғрисидаги қонун лойиҳасининг номланиши узоқ мунозаралардан сўнг "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги деб номланиши лозим топилди.

Ўзбекистон Республикасининг 1963 йил 23 мартда қабул қилинган қонуни билан тасдиқланган Фуқаролик процессуал кодексининг 3-иловаси, яъни ҳакамлик судлари тўғрисидаги Низом ҳозирга қадар бекор қилинмаган эди. Ҳакамлик судлари тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши билан ушбу 3-иловани ҳам ўз кучини йўқотган деб топиш лозим бўлади.

Шу сабабли "Ҳакамлик судлари тўғрисида"ги қонун лойиҳаси қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақидаги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси Қонунчилик палатаси депутатларининг ташаббуси билан тайёрланди ва Қонунчилик палатасининг биринчи ўқишида қабул қилинди. Бу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши умумюридикция судлари ва хўжалик судларининг ҳакамлик судларининг ишига ёрдам бериши масаласидаги бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилади.

Фахр

Эгаменлик

Иброҳим НОРМАТОВ
"Туркистон-пресс"

Миллий ғурур миллат шаъни сифатида биз учун ҳамма нарсадан устун. Мустақиллик йилларида ўзлигимизни англаб, миллий анъана ва қадриятларимизни қайта тиклаш борасида дадил қадам ташладик. Энг муҳими, миллий ғуруримиз ўсгани ҳар биримизда фахр-ифтихор туйғусини кучайтирди. Диний эътиқод, одоб-ахлоқ, ор-номус, насл-насаб, авлод-аждод сингари тушунчалар тобора онгимизга сингиб, қалбимизда мухрланаётир. Миллатимизга хос ва мос шарқона, ўзбекона турмуш тарзи, анъана ва қадриятлар, урф-одатлар ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олмоқда. Биз миллий қадриятларимиз камситилишига қарши курашиш билан бирга, заррача бўлса ҳам миллатимиз шаънига доғ тушишига йўл қўймаслигимиз зарур.

Албатта, ҳамма нарса қиёслаганда ойдинлашади. Миллат шаъни билан боғлиқ ҳар қандай ҳолатни олиб, яқин ўтмишни бугунги кун билан қиёсласангиз ўртадаги фарқ нақадар катта эканлигини дарҳол англайсиз. Мана, масалан, ҳарбий хизматга боғлиқ туб ўзгаришларни олайлик.

Маълумки, собиқ иттифоқ даврида ҳарбий хизматда оддий муомаладан тортиб тартиб-интизомгача бўлган барча фаолият жараёнлари рус тилида олиб бориларди. Бошқа ҳеч бир миллатнинг, жумладан, ўзбекнинг ҳам она тили бу жараёндан четда эди. Вақоланки, ўша пайтда жаҳондаги давлатларда миллий ҳарбий бўлинмалар тузиш имкониятидан кенг фойдаланилган. Собиқ иттифоқ қуролли кучларида миллатларнинг бундай ҳақ-ҳуқуқлари писанд этилмасди.

Мустақилликдан кейинроқ юз бера бошлаган ўзгаришларни бир эсланг. Истиқлолнинг илк йиллариданоқ қуролли кучларимиз тизимларида миллий руҳ намоён бўла бошлаганди. Ҳарбий қисмлардаги тартиб-қоидалар, оддий аскарлар билан зобитлар ўртасидаги муносабатлар, умуман, ҳарбий ҳаёт ва ўзбек тилида олиб борила бошланди. Кўриб фахрланадиган яна бир қадам шуки, аскаларимизнинг шаҳдам қадам ташлашларидан тортиб қуйлаган қўшиқларигача миллийлик уфуриб турибди. Қуролли кучларимиз тизимларидаги миллийлашув жараёнида баъзи бир ғанимларимиз кутмаган ҳолатлар кузатилди, яъни тез орада ҳарбийларимизга бағишланган шеърлар, куй-қўшиқлар пайдо бўлди ва улар оммавийлашиб кетди. Тўғриси, ўзимизнинг орамизда ҳам қисқа фурсатда бундай бўлишига ишонмаганлар бор эди.

Миллий руҳдаги ҳарбий мавзуда яратилган шеър ва куй-қўшиқлар танловлари ўтказилганлиги қуролли кучларни миллийлаштиришга хизмат қилди. Ижодкорлар орасида ҳарбий шифокор, подполковник Искандар Раҳмонга ўхшаган ҳарбий мавзуда ёзадиган шоирлар ҳамда ҳарбий оҳангда куйлайдиган ажойиб санъаткорлар пайдо бўлди. Айниқса, И. Раҳмоннинг танловда ғолиб чиққан "Ўзбекистон аскарларимиз" қўшиғи ҳаммага маъқул бўлди, оммавийлашиб кетди.

Ўзимизнинг ўзбек йигитларимизнинг миллий куй-қўшиқ оҳангида шаҳдам қадам ташлаётганликларини кўриб беихтиёр тўлқинланиб кетасиз. Мустақилликнинг шарофатига тан берасиз, миллийликнинг жозибадорлигидан роҳатланасиз. Ватан посбони — армиянинг миллийлигидан фахрланасиз.

Истиқлолдан кейинроқ миллий армиямизнинг шаклланганлиги, бу миллатимизнинг, қадриятларимизнинг, қолаверса, давлатчилигимизнинг ғалабасидир. Бизда нафақат қуролли кучлар тизимида, балки давлат қурилишининг барча тизимларида, ҳукумат бошқарувининг барча бўғинларида, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида миллийлик ўз ўринини топиб, мустаҳкамланиб бораяпти. Бу ҳар биримизда миллий ғурурни уйғотмасдан қолмайди, албатта.

Миллат шаъни Ватанда туриб ҳимоя қилинади. Кимда-ким ташқарида — ўзга юртларда туриб ўз Ватанига, миллатининг шаъни ва маънавиятига тош отса ёки ўзгаларнинг турмуш тарзини афзал деб билса, билингки, у миллатига хиёнат қилган бўлади. Ундайларда миллий ғурур бўлмайди. Баъзан хориж радиоларидан ғарб демократиясига сиғинганларнинг овозларини эшитиб қоласиз. Улар Ғарбнинг турмуш тарзи олдида ўз миллий қадриятларимизни, шарқона одоб-ахлоқимизни, ўзбекона турмуш тарзимизни камситишади. Бундайлар миллат ва қадрият тугул, иймонларини ҳам сотишлари мумкин.

Ўзгаларнинг турмуш тарзига сиғинаётганларга айтадиган битта гапимиз бор: Амир Темур бобомиз буюк ва қудратли давлатни, адолатли тузумни, фаровон ҳаётни ўзгалардан нуса олиб яратмаган. Ўзбек давлатчилиги тарихи бой ҳарбий, маданий, маънавий меросга ва миллий асосга эга. Миллий ғурури бор инсон бундан фахрланмаслиги мумкин эмас.

Биз улуғ аждодларимиз билан фақат фахрланиб қолмасдан, эътиқод ва садоқатда, ҳалоллик ва поклиқда, тўғрилик ва қатъиятлиқда, меҳр-оқибат ва мурувватда улардан ибрат олишимиз зарур. Маънавиятни улуғ боболаримиз англаганидек англасаккина миллий ғурурнинг куч-қудрати ва моҳиятини тушуниб етамиз.

Миллий ғурури бор инсонгина шу юртнинг, шу халқнинг асл фарзанди ҳисобланади. Юртга эгаменлик ҳисси билан яшаётган эканмиз, миллий ғуруримиз билан фахрланайлик.

Фаолият

Табиий газ таъминоти

соҳасидаги изчиллик ва уюшқоқлик билан олиб борилган ишлар ўз самарасини бермоқда

Б.МАНСУРОВ,
"Навоийгаз" ҳудудий газ таъминоти корхонаси раҳбари

Вилоятимиз мамлакатнинг шимолий ҳудудларидан бири ҳисобланади. Бу ерда ёз иссиқ, қиш жуда совуқ келади. Бу эса, ўз навбатида корхонамиз ва унинг туман бўлимлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Корхонамиз ходимлари 2005-2006 йилги кузги-қишки мавсумга пухта ҳозирлик кўришди. 23,4 километр газ қувурлари мукаммал таъмирдан чиқарилди, 107,8 километр масофага янги қувурлар тортилди. Газ тақсимлаш қурилмаларининг техник ҳолати қўздан кечирилиб, мавсумга тўла-тўкис шайланди. Шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси қарорига асосан вилоят марказидан узоқ масофада жойлашган 192 та қишлоқ аҳолисига суюлтирилган газ ва бошқа ёнилги турлари етказиб берилди. Бошқача қилиб айтганда, 2004 йилда ана шу қишлоқлар аҳолиси 755 тонна суюлтирилган газ билан таъминланган бўлса, бу кўрсаткич 2005 йилнинг 9 ойида 1361 тоннани ташкил этди.

Корхонамиз қатор йиллардан буён қишки мавсумни пухта тайёргарлик билан қаршилаётганлигидан аҳоли мамнун. Буни истеъмолчиларга корхонамиз томонидан 2254 та газ тақсимлаш қурилмаси ёрдамида узлуксиз табиий газ етказиб берилгани ҳам исботлайди. Қолаверса, аҳоли хонадонларига тўлиқ газ ҳисоблагичлар ўрнатилганлиги қимматли ашё — табиий газни тежашда яхши самара беряпти. Мисол учун, режа асосида 274559,0 ўрнига 224574,5 минг метр куб табиий газ сотилди. Бу эса 49964,5 минг кубометр газ тежаб қолинганини кўрсатади.

Президентимизнинг "Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда уларни ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижросини жамоамиз билан ҳамжиҳатликда изчиллик билан амалга оширяпмиз.

Аҳолининг 2005 йил 1 январь ҳолатига кўра дебитор қарзи 122,5 миллион сўмни ташкил қилган эди. Йил давомида ана шу дебитор қарзни ундириш, камайтириш устида қатъий иш олиб борилди. Бунда бизга маҳаллий ҳокимият органлари, банклар, оммавий ахборот воситалари яқиндан ёрдам берди. Аҳоли ўртасида тарғибот, тушунтириш ишлари олиб борилди. Бу қутилган самарани берди: дебитор қарзи 42,6 миллион сўмга камайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, газдан техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилган ҳолда фойдаланилсагина инсон оғирини енгил қилади. "Ўзкоммунхизмат" агентлигининг 2005 йил 8 ноябрдаги кўрсатмасига асосан корхонамиз ходимлари давлат ёнғин назорати бошқармаси билан ҳамкорликда халқ хўжалиги масканлари, аҳоли турар жойлари, шунингдек, 875 та газ тақсимлаш ускунаси, 7 километр масофадаги ер ости қувурлари назоратдан ўтказилди. 1,1 километрлик қувурлар ер устига чиқарилиб, таъмирланди, 2,1 миллион сўмлик 61 дона янги ўт ўчиргич ўрнатилди. Конимех ва Навбаҳор туманлари маъмурий биноларига ёнғиндан дарак берувчи огоҳлантириш мосламалари ўрнатилди. Айни кунларда аҳоли ўртасида ёнғиннинг олдини олиш мавзусида турли суҳбатлар, тушунтириш ишлари давом эттириляпти. Бундай тадбирлардан кўзда тутилган мақсад аҳоли хонадонларига узлуксиз табиий газ етказиб бериш билан бирга кўнгилсиз ҳодисаларга йўл қўймасликдан иборатдир.

Янгийўл шаҳри: «Автохизмат» масъулияти чекланган жамият ходимлари аҳолининг узоғини яқин қилишда самарали меҳнат қилмоқда. 150 га яқин РАФ, Дамас, Истана, ПАЗ, ЛАЗ, ЗИЛ русумли автоуловлар 13 та йўналишда аҳолига хизмат қилмоқда. Шунингдек, МЧЖ мутасаддиларининг саъй-ҳаракати билан шаҳар аҳолисига юк ташиш хизматлари ҳам ташкил этилди.

Суратда: корхона мутахассислари янги иш режаларини муҳокама қилишмоқда.

Энг яхшилар сараланди

Т. ЗОҲИРОВ

Бугун иқтисодиётда энг рақобатбардош, бозоргирмаҳсулот ишлаб чиқариш тадбиркорликни ривожлантиришнинг бирламчи шартига айланган. Шу жиҳатдан олиб қаралганда мамлакатимизда ҳар йили Президент соврини учун тадбиркорлар ўртасида ўтказилаётган "Ташаббус" кўрик-танловлари муҳим аҳамият касб этмоқда.

Самарқандда "Ташаббус-2006" кўрик-танловининг вилоят босқичига якун ясалгани ва турли номинациялар бўйича ғолиблар аниқланиб муносиб тақдирланганги ҳам анъананинг давомийлигини кўрсатмоқда.

Танловда "Энг яхши тадбиркор" номинацияси бўйича бош соврин Ургут туманидаги "Ургут яшил олтини" масъулияти чекланган жамият раҳбари Зайниддин Аҳороврга насиб этди. У бошчилигидаги жамоа қисқа вақтда энг мукаммал технология билан жиҳозланган завод қуриб харидоргир қурилиш материаллари, хусусан шифер ишлаб чиқаришни йўлга қўя олди. Натижада 300 киши янги иш ўринлари билан таъминланиб, 1 миллиард 300 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлашга эришилди. Шу номинация бўйича иккинчи ва учинчи ўринларни Каттақўрғон туманидаги «Кумуш тола» корхонаси раҳбари Марям Ниёзова ва Пайариқ туманидаги "Самарқанд-Зингер" қўшма корхонаси бошқарувчиси Анора Мамадалиева эгаллади.

"Энг яхши фермер" номинацияси бўйича Пастдаргом туманидаги "Парда бобо" фермер хўжалиги бошлиғи Убайдулла Пардаев, "Энг яхши ҳунарманд" номинацияси бўйича эса қўшработлик Гулнора Чинниева танлов ғайъатининг бош совринлари билан тақдирланди.

Ғолиблар энди "Ташаббус-2006" танловининг республика босқичида қатнашиш ва ўз маҳсулотларини кўргазмада намойиш этиш имкониятини қўлга киритдилар.

Ёш тадбиркорлар

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий Кенгаши томонидан ёшлар орасида тадбиркорлик билим ва кўникмаларини шакллантириш масаласига бағишланган семинар ўтказилди.

Унда мазкур институт ва Бердақ номидаги қорақалпоғистон давлат университетида таҳсил олаётган йигирма нафар талаба ўз бизнес-режалари билан иштирок этди. Тақдим этилган ҳар бир бизнес-режа экспертлар томонидан атрофлича ўрганилиб, уларнинг реал ҳаётга нечоғлик яқинлиги аниқланди.

Семинарда беш нафар талабанинг бизнес-режаси танлаб олинди ва улар Тошкентда ўтказиладиган семинарда иштирок этиш ҳуқуқига ва имтиёзли кредит ҳисобидан тадбиркорликни бошлаш имконига эга бўлди.

ЎзА

Қарор ва ижро

Қинғир ишнинг қийиғи...

Л.СУВОНОВ,
ЎзА мухбири

Тадбиркорлик билан шуғулланаман деган кишига ҳукуматимиз ҳам ҳуқуқий, ҳам иқтисодий имкониятларни яратиб берган. Шунга қарамай, нафс йўлига юриб, мавжуд қонун-қоидаларга нописанд қараётган кимсалар ҳам учраб турибди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 майдаги "Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида"ги қарорига кўра Тошкент вилоятининг Юқоричирчиқ туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

— Мазкур қарор ижроси юзасидан ўтган йили мамлакатимиз ҳудудига ноқонуний олиб кириш ва савдога чиқариш билан боғлиқ ўн бешта ҳолат аниқланди, - дейди бўлим бошлиғи Улуғбек Абдурахмонов. — Бундай ҳуқуқбузарларнинг 10 миллион 118 минг сўмлик маҳсулоти мусодара қилинди. Жумладан, Юқоричирчиқ туманидаги "А.Нурбоев" йўл-патрул хизмати масканида андижонлик Дилшод Авилов бошқарувидаги автомашинада Хитойда ишлаб чиқарилган икки миллион сўмлик кийим-кечак ноқонуний равишда олиб келинаётгани маълум бўлди. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди.

Шунингдек, жойлардаги яширин цехлар фаолиятига чек қўйиш, ноқонуний равишда тадбиркорлик билан шуғулланаётган шахсларни аниқлаш, қўлбола усулда ишлаб чиқарилган спиртли ичимликлар билан савдо-сотиқ қилинишининг олдини олиш мақсадида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди. Масалан, Юқоричирчиқлик Холида Айтимбетова ва Назира Сиддиқова ўзаро тил бириктириб, харидор Бахтиёр Аҳмедовга қўлбола спиртли ичимликларни сотаётганда қўлга олинди. Афсуски, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Айни пайтда истеъмолчилар томонидан табиий газ ва электр энергияси тармоқларига ноқонуний уланиш, уларга хўжасизларча муносабатда бўлиш ҳолатларини аниқлаш мақсадида ҳам бир қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Бўлим ходимлари томонидан "Сейтбеков Тулеген" фермер хўжалигига қарашли қорамол фермасида 2002 йил ноябрдан то шу кунгача ҳеч қандай ҳужжатсиз, ўзбошимчалик билан электр тармоғидан фойдаланиб келинаётгани аниқланди. Фермер хўжалиги бу ҳаракатлари билан давлатга уч миллион 222 минг сўмдан ортиқ зарар етказган. Бу ҳолат юзасидан ҳам жиноят иши қўзғатилди.

Тумандаги "Тинчлик" қишлоқ фуқаролар йиғини "Иззат" кўчасида яшовчи В.Ким ҳам иссиқхонасида табиий газдан ноқонуний равишда текин фойдаланиб келаётгани фош бўлди. Зеро, қинғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади, деган нақл бекорга айтилмаган.

Сўраган эдингиз

Қарзимни ололмаяпман

судга мурожаат қилайми?

Бир танишим мендан катта миқдорда қарз олган эди. Анча вақтдан бери олган қарзни бермаяпти. Қарзимни ундириш мақсадида судга мурожаат этмоқчиман. Бу борада судга даъво аризаси киритиш тартиби қандай?

А. Турсунов,
Тошкент шаҳри.

С. НИЁЗОВА,
ТДЮИ ўқитувчиси

Қарз олувчи қарзни, қарз фоизларини қайтариш юзасидан зиммасига олган мажбариятларини бажармаган ва шартномани бошқача тартибда бузган тақдирда қарз берувчи судга даъво билан мурожаат этишга ҳақли.

Даъво жавобгар, яъни қарз олувчи яшайдиган жойдаги фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судга тақдим этилади. У фуқаролик-процессуал кодексининг 239-моддасига биноан даъво ишлари юритиш тартибида кўриб чиқилади.

Аризада қуйидагилар кўрсатилиши лозим:

а) ариза берилаётган суднинг номи;

б) даъвогарнинг исми, фамилияси ва отасининг исми, яшаш жойи;

в) жавобгарнинг исми, фамилияси ва отасининг исми, яшаш жойи, жавобгар ташкилот бўлганда эса, унинг номи ва қаерда жойлашганлиги;

г) даъвогарнинг талаби;

д) қарз суммаси, қарз юзасидан тўлаши лозим бўлган фоиз суммаси;

е) даъвогар ўзининг талабларига асос қилиб кўрсатётган ҳолатлар ва бу ҳолатларни тасдиқлайдиган далиллар;

ё) аризага илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати;

Даъво аризасига қарз шартномасининг нусхаси, давлат божи тўланганлиги тўғрисидаги ҳамда қарз белгиланганлиги ҳақидаги ҳужжат ёки унинг нусхаси, қарз олувчи шартнома шартларини лозим даражада бажармаганлиги ҳақидаги далиллар илова қилинади.

Шуни унутмаслик керакки, қарз олувчи у ёки бу суммадаги қарзни фоизлар ҳисобидан қарз берувчига пул қайтарганида ундан (қарз берувчидан) бу пулни олганлиги тўғрисида тилхат олиши шарт. Бундай тилхатнинг бўлмаслиги қарз олувчини қарзни қайтариб берилганлиги фактини суд тартибида исботлаш имкониятидан маҳрум этади. Чунки гувоҳларнинг бу борадаги кўрсатмалари далил ҳисобланмайди.

Хориж хабарлари

Сайловолди жараён

Алишер НАЗАРОВ



Исроилда шу йилнинг 28 мартида кнессетга (парламент) сайлов бўлиб ўтади. Сешанба куни мамлакатдаги партиялар ўртасида сайловолди кампанияси бошланганлиги расмий эълон қилинди.

ИТАР-ТАСС ахборот агентлигининг хабар беришича, Исроил фуқаролари орасида бош вазир Ариэл Шарон ташкил этган «Кадима» партиясининг мавқеи баланд ва сайловда мазкур сиёсий ҳаракат муваффақият қозониши тахмин қилинаяпти. Мамлакатда ўтказилган ижтимоий сўровлар эса «Кадима» партиясининг сўнгги ойларда нуфузи бироз пастлаганини кўрсатган. Шундай бўлсада, ушбу партия вакиллари 120 депутатлик парламентдан 40 тасига эгалик қилиши айтилмоқда. Мазкур партияга асосий рақиб сифатида Амир Перец бошчилигидаги сўл марказчиларнинг «Авода» партияси ҳамда Биньямин Нетаньяху раҳбарлигидаги ўнг марказчи «Ликуд» партияси эътироф этилаётир. Улар тахминан 17 депутатлик ўрнини қўлга киритиши мумкин. Агар юқоридаги тахминлар ўзини оқласа, «Кадима» партияси яна бир етакчи партия билан биргаликда янги ҳукуматни шакллантиришига тўғри келади.

Маълумотларга кўра, мазкур партияларнинг диққат-эътибори асосан, айни даврда амалдаги ҳукумат томонидан ҳаётга татбиқ этилаётган қўшни Фаластиндан бир томонлама ажралиш режаси билан боғлиқ масалаларга қаратилаяпти. Хусусан, «Авода» бу масалани фаластинликлар билан ўзаро музокаралар жараёнида ҳал этиш тарафдори бўлса, «Ликуд» яҳудий қишлоқлари Фаластин билан чегарадош ерлардан олиб чиқиб кетилиши жангариларни янада фаоллашиб кетишига сабаб бўлиши мумкин, деган фикрда. «Кадима» эса Исроил чегара ҳудудларини мустақил ҳал этишни кўзлаган.

Сайловда кураш олиб борувчи мамлакатнинг бошқа кичик сиёсий партиялари эса Исроилнинг ички муаммолари — коррупция, қашшоқликка қарши курашиш ва фуқаролар ўртасидаги ўзаро кичик зиддиятларга барҳам беришни бош мақсад этиб белгилаган.

Японияга ташриф

Озарбайжон президенти Илҳом Алиевнинг Японияга уч кунлик расмий ташрифи якунланди. Унда икки давлат муносабатларининг барча жабҳалари, жумладан, иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Музокаралар жараёнида қатор ҳужжатлар имзоланди. Улар орасида Озарбайжонга иқтисодий ёрдам кўрсатиш бўйича ҳам келишувга эришилган. И.Алиев ташрифи мобайнида император Акихитонинг қароргоҳида Япония халқаро муаммолар институти томонидан ташкил этилган форумда иштирок этиб, сўзга чиққан. Шунингдек, Озарбайжон раҳбари Япония ташқи ишлар вазири Таро Асо билан учрашди, жума куни эса ҳукумат раиси Жунъитиро Коидзуми қабулида бўлади.

Япония Озарбайжоннинг энергетика соҳасидаги лойиҳаларни молиялаштираётган донор мамлакатларнинг энг каттасидир. Шу вақтгача, Япония ҳукумати ушбу давлатга 700 миллион доллар атрофида грант ажратган.

Европада ҳамон қиш

Бу йил қиш фасли анчагина аёзли келиб, инсониятни анча ташвишга қўйди. Қаттиқ совуқ айниқса европаликлар учун талай муаммоларни келтириб чиқарди. Жорий йилда Германия, Франция, Туркия, Греция, Польша ва бошқа Европа давлатларида қор анча қалин ёғиб, кучли изғиринлар юз бераётир. Финляндияда ҳарорат 41 даража совуққача пасайди.

Россиянинг айрим ҳудудларида ҳам ҳамон қаҳратон қиш ҳукм сурмоқда. Пойтахт Москвани яна совуқ ҳаво оқими қуршаган. Россия шимол юрти бўлгани боис у ердаги совуқ мутахассисларни ажаблантирмаслиги мумкин. Бироқ бирмунча мўътадил Европа мамлакатларидаги аёз ва қалин қор кўп муаммо келтириб чиқаряпти. Шу кунларда Германия ва Францияда ана шундай ҳолат кузатилмоқда. Германияда бир неча кун тинмай ёққан қор айниқса Бавария федерал ерида вазиятни анча мураккаблаштирди. Бу ерда темир йўл ва автомобиль йўллари ёпилиб қолган. Альп тоғи этакларида жойлашган мазкур ҳудудда қор қалинлиги 2,5 метргача етган.

Маълумотларга кўра, айни пайтда Баварияда маҳаллий ва халқаро йўналишлар бўйича қатновчи поездлар бутунлай ҳаракатдан тўхтаган. Мюнхен шаҳрида ҳам шаҳарлараро темир йўл ҳаракати вақтинча тўхтатилди. Бу ерда қор қалинлиги 1,5 метрга етган.

Мамлакат аэропортларида ҳам парвозлар тўхтатилди. Хусусан, Франкфурт халқаро аэропорти 570 парвозни бекор қилишга мажбур бўлди. Оқибатда йигирма мингга яқин йўловчи манзилига етолмади. Штутгарт аэропорти ҳам элликка яқин парвозни тўхтатди.

Эрон тинчлик тарафдори

АҚШнинг БМТдаги доимий вакили Жон Болтон Оқ уй маъмурияти томонидан Эроннинг ядровий дастурига чек қўйиш учун барча чоралар қўлланилишини маълум қилди. У ядровий тадқиқотларни давом эттириш Эрон учун жуда қимматга тушишини айтди.

АҚШ ҳукумати Атом энергияси бўйича халқаро агентликнинг (МАГАТЭ) Венада бўлиб ўтаётган мажлисида Эрон ядровий масаласини БМТ Хавфсизлик кенгашига тақдим этиш ҳақида қарор қабул қилинишидан умидвор.

«Вашингтон пост» газетаси ўз хабарида АҚШ дипломатлари хавфсизлик кенгаши эътиборига ҳавола этиш учун мурожаатнома қўлёзмасини тайёрлаб қўйганини келтирган. Унга кўра, расмий Техронга ядровий тадқиқотларни тўхтатиш ва МАГАТЭ назоратчилари билан ҳамкорликни бошлаш учун бир ой муҳлат берилади. Бу шартлар инкор этилгудек бўлса, у ҳолда Эронга халқаро ҳамжамиятнинг жазоси қўлланилади.

АҚШ расмий вакилларининг маълум қилишича, аввал Хавфсизлик кенгаши раисининг муаммо билан боғлиқ талаблари Эрон ҳукумати эътиборига ҳавола этилади. Сўнг жавоб қайтариш учун муҳлат берилади. Шундан кейин Эрон бўйича тегишли резолюция қабул қилинади.

Эрон вакиллари билан ўтказилган музокарада қатнашган Россия дипломатларидан бири масаланинг Хавфсизлик кенгашига оширилишига йўл қўймаслик лозимлигини айтган. Унинг таъкидлашича, МАГАТЭ йиғилишида воқеалар ривожи турлича кечиши мумкин. Энг нохуши Эрон муаммосини шошилинч равишда Хавфсизлик кенгашига ҳавола этишдир.

Бундай қарор натижасида расмий Техрон музокарани тарк этади ва МАГАТЭ ушбу мамлакатнинг ядровий дастурини назорат қилиш имкониятидан маҳрум бўлади. Шу боис эҳтиёткорлик билан ҳаракат қилиш зарур. Акс ҳолда, вазият ўнглаб бўлмас даражага етиши эҳтимолдан йироқ эмас.



Жаҳон оммавий ахборот воситаларида Эрон ҳукумати ҳам зиддиятларни четлаб ўтиш ва муроса йўлини топишга ҳаракат қилаётгани баён қилинмоқда. Эрон олий миллий хавфсизлик кенгаши котиби Али Ларижоний расмий Техрон уранни бойитиш жараёнини вақтинчалик бошқа мамлакат ҳудудига кўчиришга рози эканини маълум қилди. Уранни бойитиш ишлари муайян муддат бошқа давлат ҳудудига кўчириш мумкин-дир-у, аммо ядровий тадқиқотларни бошқа ҳудудга кўчириб бўлмайди, деди А. Ларижоний. Бу чигал вазиятдан чиқиш учун Эрон томонидан кўрсатилган энг сўнгги таклифдир. Унинг фикрига кўра, расмий Техрон мавжуд барча мантиқий таклифларни илгари суриб бўлган. Энди иккинчи томон ҳам ядровий дастурга нисбатан салбий муносабатлари сабабини изоҳлаши керак.

ТАФАККУР

ҲАР ҚАНДАЙ АДАШИШ ҲАЛОКАТЛИ, АММО ҚАЕРДАКИ УНГА ЭҲТИРОС АРАЛАШСА, У ИККИ КАРРА ҲАЛОКАТЛИРОҚДИР. *Плутарх*

Х. АВВАЛОВ олган суратлар

ТИББИЁТ: Қуйичирчиқ туман марказий шифохонаси ходимлари аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Айниқса, Б. Одилбеков бошчилигидаги шошилинч тиббий ёрдам бўлими врач ва ҳамширалари беморлар дардига малҳам бўлиб, уларнинг соғайиб кетишлари учун бор билим ва тажрибаларини ишга солишаётир.

Ҳамкасбларимиз

Сўз тизгини жиловдори

Шуҳрат ЖАББОРОВ

Эрталабки нонушта пайти тили бийронгина набира бобосини саволга тутди:

— Бобожон, кеча мен сизни кутдим. Нега келмадингиз?

— Ишда эдим. Газета чиқариб кечга қолдим.

— Газетани кечаси чиқарасизми?

— Ҳа, тонгда газеталар манзилига етиб бориши учун сен ухлаётган пайтда одамлар ишлашади.

Асқар ака қизиқувчан набираси саволларига жавоб берди-ю, хаёли узоқ-узоқларга кетди.

Ҳа, қирқ йилдан ошибдики, журналистика соҳасида жавлон уради. Бу йиллар унинг учун янги сўқмоқлар очиш, замондошлари, қаҳрамонлари сиймосини яратиш даври бўлди. Йигирма ёшга тўлар-тўлмас Самарқанд вилоят радиосининг Каттақўрғон шаҳри ва тумани бўйича мухбири бўлиб иш бошлаган эди. Ҳаво мавжларида дастлабки ёзган хабарлари янграганда аллақандай сеҳрли садони тинглагандай шавқ туярди. Кейинроқ вилоят газетасида ижодий фаолиятини давом эттирди. Газетада лавҳа ва очерклари узлуксиз эълон қилинганида ғайратига ғайрат қўшилиб, илҳоми жўш урарди. Ўша йиллари республика ёшлар газетасида таниқли журналист Файзулла Нуруллаев билан ҳамнафас ишлаш навқирон ижодкор учун катта мактаб бўлди.

Дарҳақиқат, журналистлик — машаққатли касб. Бугун қаламингиздан тўкилган сўзлар эртагаёқ минглаб газетхонларнинг онгу шуурига етиб боради. Шу маънода, бу касбнинг масъулияти жуда катта. Агар корхонада бир ходим ишда камчиликка йўл қўйса, буни ёнидаги ҳамкорлари, нари борса, шериклари пайқаши мумкин. Газетада кетган хатодан эса минглаб одамлар воқиф бўлишади.

Бу масъулиятни Асқар Жалилов газета таҳририятида иш бошлаган кезлардаёқ яққол ҳис қилди. Радиодан янграган сўздаги сохталик, эҳтимол, ун-чалик сезилмай ўтиб кетар, лекин газета саҳифалари қайта-қайта варақланади, мушоҳада чиғиригидан ўтказилади. Шу маънода, газетанинг сўзидан салмоқ ва теран мантиқ талаб этилади.

Ҳақиқатдан ҳам халқимиз матбуот сўзига ихлос, эътиқод билан қарайди. "Модомики газетада босилибдими, бу сўзга ишониш керак", деган тасаввур мавжуд. Чинакам ижодкор бу ишончни сақлаши, мустаҳкамлаши зарур. Асқар Жалилов нафақат шаҳар газетасида, балки "Каттақўрғон ҳақиқати" газетасида бош муҳаррир бўлиб ишлаган, айни пайтда "Адолат" газетасида фаолият юритаётганда ҳам ана шу оддий ҳақиқатга амал қилиш нечоғли зарурлигини ўз тажрибаси орқали англаб етди.

А. Жалиловнинг лавҳа ва очеркларида тасвирланган ҳаёт манзараларини, қаҳрамонларини бирма-бир санаса бутун бошли китоб бўлади. Заҳматкаш журналистнинг "Умрнинг олтин лаҳзалари" ҳужжатли қиссаси, "Кечирилмас гуноҳ" тўплами, "Каттақўрғон ҳақиқати — 60 ёшда" рисоласи, шу кунларда "Каттақўрғон тонги" газетасида эълон қилинаётган "Тақдир йўллари" қиссаси ижодкорнинг турли жанр ва мавзуларда маҳорат билан қалам тебратишини кўрсатиб турибди.

Олтмиш ёшини қаршилаётган журналист ёш касбдошларига мухбирлик сирларини ўргатиб келаётир. Азимжон Қодиров, Мамадали Эргашев, Нафас Ҳусанов, Собир Шукуров каби қаламкашлар Асқар Жалиловни устоз деб билишади.

Асқар ака сўз сеҳрига ошуфта, унинг куч-қудратидан оғоҳ ижодкор сифатида бу воситани доимо бунёдкорликка, эзгу мақсадларга йўналтириш пайида бўлади. Сўз тизгини яхшилик йўлида жиловланса, натижа ҳам кўнгилдагидек бўлади. Бу фалсафа Асқар Жалилов ҳаётининг мазмунига айланган.

СпорТ

Чемпионлар лигасидаги икки ғалаба

Боҳир БЕК

Қитъамизнинг ўн тўртта шаҳрида футбол бўйича Осиё чемпионлар лигасининг гуруҳ беллашувлари бўлиб ўтди. Клублар ўртасидаги энг нуфузли мусобақанинг илк турида юртимиз шарафини мамлакат чемпиони ва кубок эгаси — Тошкентнинг "Пахтакор" ҳамда чемпионат кумуш медали соҳиби Муборакнинг "Машъал" жамоаси футболчилари муносиб ҳимоя қилди.

Мусобақада мунтазам иштирок этаётган пахтакорчилар "А" гуруҳидаги дастлабки тур учрашувини ўз майдонида Сурия чемпиони "Ал-Иттиҳод"га қарши ўтказди. Учрашув олдидан жамоалар имкониятини таҳлил қилган мухлису мутахассислар, ўйин амалиёти ва жисмоний тайёргарлик жиҳатидан "Ал-Иттиҳод" футболчилари айни пайтда пахтакорчилардан устун бўлса-да, ушбу учрашувда "Пахтакор" ғалаба қозонишига ишонч билдиришганди. Чунки "Пахтакор" Осиё чемпионлар лигасида энг тажрибали жамоа ҳисобланади ва бу нуфузли турнирнинг кўплаб рекорд натижалари айнан тошкентликларга тегишли. Жумладан, "Пахтакор" Осиё чемпионлар лигасида кетма-кет ярим финалга чиққан биринчи жамоа бўлишдан ташқари, мазкур турнирда энг кўп — 25 та учрашув ўтказган, шулардан 14 тасида зафар қучган, уч марта дуранг ўйнаган, рақиблар дарвозасига 40 та тўп киритган.

Шундай бўлса-да, мухлису мутахассисларни "Пахтакор"нинг ўйин услуби жуда қизиқтирарди. Чунки "Пахтакор" мураббийлар штаби ва таркибида жиддий ўзгаришлар бўлди. Клуб раҳбарияти жамоани Ўзбекистон миллий терма жамоасини бошқараётган Валерий Непомняшийга топширди. Бундан ташқари, бошқа жамоага ўтган ҳужумчи Павел Соломин, етакчи ҳимоячилар — Гочқули Гонқулиев ва Алексей Николаевнинг ўрни Зайниддин Тожиев, Александр Клецков, Ислом Иномов каби футболчилар билан тўлдирилди.

"Пахтакор" футболчилари "Ал-Иттиҳод"га қарши ўтказилган биринчи расмий учрашувнинг дастлабки дақиқалариданоқ мухлисларга ёқадиган ҳужумкор ўйин намойиш қилди. Бу ўз самарасини узоқ кутдирмади. Учрашувнинг 16-дақиқасида Ислом Иномов жамоадоши Анвар Солиев узатган тўпни дарвозага аниқ йўллаб, "Пахтакор"нинг жорий мавсумдаги дастлабки голига муаллифлик қилди.

Футболчиларимиз иккинчи бўлимда ҳам ҳужумкор ўйинни давом эттирди. Суриялиқлар иккинчи бўлимнинг 40-дақиқасида чемпионлар лигасида дастлабки учрашувини ўтказган "Пахтакор" ҳимоячиси Александр Клецковнинг боши билан берган аниқ зарбасини бартараф этишни уддалай олишмади. Шундай қилиб, "Ал-Иттиҳод"ни 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратган "Пахтакор" ўн бешинчи ғалабасини нишонлади.

Гуруҳнинг иккинчи учрашувида Эронни "Фулад" жамоаси ўз майдонида Қувайт чемпиони "Ал-Қодисия" дарвозасига жавобсиз олтита гол йўллади.

"Пахтакор" футболчилари навбатдаги учрашувни сафарда ўтказади. Пойтахтлик чарм тўп усталари 22 март куни Қувайтда "Ал-Қодисия" жамоаси билан куч синашади.

Қитъа миқёсидаги мусобақаларда илк маротаба иштирок этаётган "Машъал" футболчилари араб футболининг энг кучли вакиллари билан бир гуруҳдан жой олган бўлса-да, мубораклиқларнинг дебют учрашуви муваффақиятли бўлди.

Кескин ва муросасиз ўтган беллашувнинг 31-дақиқасида Зафар Холмуродов томонидан киритилган гол ўйин тақдирини ҳал қилди. Қувайтда мезбон сифатида тўп сурган ироқликлар учрашув якунига қадар "Машъал" ҳимоясини ёриб ўтолмади ва мубораклиқларга уч очко тақдим этишга мажбур бўлди. Гуруҳнинг яна бир учрашувида ўтган йилги мусобақа финалчиси - "Ал-Айн" (БАА) футболчилари Саудия Арабистони чемпиони «Ал-Ҳилол»ни 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратди.

"Машъал" футболчилари 22 март куни ўтказилдиган иккинчи тур учрашувида ўз майдонида "Ал-Айн" жамоасини қабул қилади.

Имон — ғолиб

Москва шаҳрида бадиий гимнастика бўйича кичик ёшдаги қизлар ўртасида ташкил этилган анъанавий "Baby cup" халқаро турнирида ҳамюртимиз Имон Азизова муваффақиятли иштирок этди.

Турнирда илк маротаба қатнашган ўзбекистонлик гимнастикачи "Товус" композицияси учун биринчи ўринни эгаллади. Шунингдек, "Энг чиройли кийим соҳибаси"га аталга соврин ҳам И.Азизовага насиб қилди.

Фарғоналиклар кубок соҳиби

Самарқанд шаҳрида волейбол бўйича эркаклар ўртасида ташкил этилган Ўзбекистон кубоги беллашувлари якунланди.

Бош соврин учун ўтказилган финал учрашувида мамлакат чемпионатининг пешқадами - "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" (Олмалиқ) ва "Учқўприк волейбол клуби" (Фарғона) жамоаси ўзаро куч синашди. Асосий баҳсда мусобақа фаворитини 3:1 ҳисобида мағлубиятга учратган фарғоналиклар кубок соҳиби бўлди.

Учинчи ўрин учун курашда мамлакатимизнинг кўпкарра чемпиони — "УЗИ-Самарқанд" (Самарқанд) волейболчилари "Умид" (Наманган) жамоасидан 3:0 ҳисобида устун келиб, бронза медални қўлга киритди.

Мусобақа якунига кўра, мутахассислар "Энг яхши ўйинчи"га аталган совринни Александр Серебряниковга ("Олмалиқ кон-металлургия комбинати") топширди. "УЗИ-Самарқанд" ўйинчиси Марат Турсунов "Энг яхши ҳужумчи", "Учқўприк волейбол клуби" вакили Муҳитдин Шодмонов "Энг яхши ўйин ташкил қилувчи" деб топилди.

Ҳамюртларимиз совриндорлар сафида

Белорусь пойтахти Минск шаҳрида самбо бўйича мамлакат президенти соврини учун ўтказилган X анъанавий халқаро турнирда ўзбекистонлик самбочилар муваффақиятли иштирок этди.

Тўққиз вазн тоифасида ўтказилган мусобақада вакилларимиздан Дамир Мухидов кумуш, Қодир Султонов ва Элдор Ғуломов бронза медални қўлга киритди.

Психолог маслаҳати

«Мен кўп ишга қодирман»

деб ўзингизни қувватланг, ўзингизни севинг ва асло танқид қилманг

Ф.АКРАМОВА,
А.УСМОНХЎЖАЕВ

Киши ўзини қандай бўлса, шундай маъқуллаши ва қабул қилиши ҳаётда юз беражак ижобий ўзгаришларнинг бошидир. Негаки, ҳаётнинг қийин дақиқаларида тушкунликка тушмасдан ўзингизни маънан қўллаб-қувватласангиз, вазият нечоғли мураккаб бўлмасин, ижобий томонга ўзгаради. Борди-ю, ўзингизни майда-чуйда камчиликлар учун танқид қилаверсангиз, аҳвол ёмон деб ҳисобласангиз, вазият борган сари салбий томонга юз тутиши турган гап. Қолаверса, маънан эзилиш таъсирида турли хасталиклар келиб чиқиши ҳам мумкин.

Ҳаётда шундай одамлар ҳам бўладики, улар у ёки бу ишни, вазифани сифатли, ўз вақтида бажармаганликлари учун ўзларини танқид қиладилар. Бундай қилиш мутлақо ярамайди. Чунки ҳар қандай киши, аввало, қўлидан келган ишни қилади. Демоқчимизки, ўзингизни қандай бўлса ўшандай қабул қилинг.

Албатта, ўз-ўзини танқид салбий қусурлардан қутулишга ёрдам беради. Бироқ, камчиликлардан мутлақо холи инсон даражасига эришиши қийин. Иккинчидан, танқид, у қанчалик холисона бўлмасин, ҳаётни яхши томонга ўзгартирмайди. Аксинча, ҳадеб ўзингизни танқид қиларверсангиз, ўзгаларнинг танқид объектига айланиб қоласиз.

Яна бир мулоҳаза. Агар сиз ўзингизни ҳеч қандай шартларсиз, танқид ва таъналарсиз қабул қилсангиз, ўзингизни эмин-эркин ҳис этасиз, турмушдан мамнунлигингиз сезилиб туради. Ҳар эрта тонгда ўзингизни ажойиб бир инсон билан учрашув кутиб турганлигини ҳис этиб уйқудан уйғонар экансиз, бу туйғу умрингизга умр қўшади.

Онгингизда яхши инсон эканлигингиз хусусидаги ахборотни мустаҳкамлаш учун ўзингизни ҳаётнинг барча босқичларида — туғилганингиздан бошлаб умрингизнинг ҳозирги лаҳзаларига қадар севинг. Бунинг учун вақти-вақти билан қуйидаги машқни бажаришингиз лозим бўлади. Тасаввур этинг: ҳозиргина туғилгансиз. Энди эса кўз олдингизга атак-чечак қилиб, биринчи қўйган қадамингиз, сўнгра мактаб остонасига илк борганингизни келтиринг. Ўрта мактабни тамомлаган, мустақил ҳаёт арафасида турган ўспиринсиз. Шундан сўнг умр йўлдоши учратдингиз, у билан бирга турмуш қурдингиз. Фарзанд кўрдингиз. Ва ниҳоят, ҳозирги ҳаётингиз саҳифалари...



Ҳаётингизнинг ҳар бир босқичида ўз "мен"ингизни кўз олдингизга келтиринг. Энди ана шу "мен"ларнинг ҳаммасига муҳаббат изҳор қилинг, уларни севинг, мақтанг. Ҳар қандай юмушда ўзингизни эзгу сўзлар билан қўллаб-қувватлаб туришни унутманг. Кун давомида қуйидаги сўзларни тез-тез такрорланг: "Мен гўзалман", "Мен хушхулқ соҳибиман", "Мен кўпгина эзгу ишларга қодирман".

Яна бир эътиборли жиҳат шундаки, ўз қадрингизга етар экансиз, бошқаларни ҳам қадрлай биласиз. Ҳамма одамларни ҳам ҳурмат-эътиборга сазовор деб биласиз. Бировларни ерга уриш ҳисобига шахсиятингизни улуғламайсиз. Ўз навбатида, сизда қадрлаш туйғуси шаклланганидан сўнг оилангиздаги муносабатлар ҳам яхшиланиб боради. Болаларингиз ўз шахсини қадрлашни ўрганиб оларкан, улардан кўнглингиз тўқ бўлсин, бундай фарзандлар ҳеч қачон юзингизни ерга қаратмайди.

Бунда сиз фақат бир ҳақиқатни унутмаслигингиз керак: ҳар қандай ўсмир ҳаётида танг, оғир, мушкул даврлар бўлади. Айниқса, унинг ўспиринлик даври характерлидир. Бу пайтда у ҳаётда ўз ўрнини топмаган, турмуш тажрибасига эга бўлмаган, қийинчиликлардаги қўрқув ҳиссидан қутулмаган бўлади. Масалан, тенгдошлари уни яккалаб қўймаслиги учун ҳаётдаги кўп нарсани қурбон беришга тайёр туради.

Шунинг учун ўтиш даврини бошидан кечираётган фарзандингиз билан муносабатда "мен"ни кўрсатиш учун уч хил ҳолатдан энг мақбули бўлмиш — "катта одам" позициясини танлашингиз маъқул. Аслида, инсонлар психолог Эрих Берн келтирганидек, "ота-она", "катта одам" ва "бола" ҳолатларида туриб бошқалар билан муносабат ўрнатадилар. Биринчидан, "ота-она" позициясида ким билан муомала қилмасин, суҳбатдошига ўз нуқтаи назарини ўтказиш, йўл-йўриқ бериш, "Сен шундай қилишинг шарт" деб қараш кузатилади. Иккинчидан, "катта одам" позициясида суҳбатдошга нисбатан, у қайси ёшда бўлмасин, ҳурмат билан ёндашиш, у билан бирор мавзу муҳокамасига шай туриши, унинг шахсиятини ерга урмаслик кузатилади. Учинчидан, "бола" позицияда эса шахс ҳулқ-атворида "мен хоҳлайман" тарзида ўз инжиқлик, эркаликларини кўрсатиш ҳолатлари намоён бўлади.

(Давоми бор.)

Ибн Синонинг боралиги

Тарихий қисса

Мақсуд ҚОРИЕВ

Илк сабоқлар

(Давоми. Боши ўтган сонларда.)

Абдуллоҳ ишдан эртароқ қайтиб, баққолик растаси ёнидан ўтиб бораётганда Маҳмуд Массоҳ югуриб чиқиб, унга ҳурмат-эҳтиром билдирди ва деди:

— Тақсир, сиз билан ўглингиз хусусида сўзлашмоқчи эрдим, агар вақтингиз бўлса...

Абдуллоҳ ўглининг баққол ҳузурига чиқиб, сабоқ олаётганидан хабар топиб, Маҳмуд Массоҳга миннатдорчилик билдириш ниятида юрган эди, тасодифни қарангки, баққолнинг ўзи олдидан чиқиб қолди. У тўхтаб, салом бериб Маҳмуд Массоҳга ўзгача бир ҳурмат билдирди.

— Сиздан беҳад миннатдормен, эшитдим, барчасидан хабарим бордур. Сизнинг саховатли ишларингизга офаринлар бўлсин, ўзим ҳузурингизга кириб, бир хурсанд этмоқчи эрдим, — деди Абдуллоҳ баққолнинг кўнглини кўтариб.

— Шундай фарзандни тарбиялаган сиздек олийҳиммат инсонга минг бор раҳматлар бўлсин. Яна дерманким, Ҳусайн ғоят заковатли, ақли-ҳуши жойида, зийрак бола эрур, унга ҳар қанча қилсангиз арзигулик. Ростини сўзласам, мен анга ўргатадиганларимни ўргатиб бўлдим, иложи бўлса бир яхши билимли, одобли муаллим, устоз топиб, уни ўқитмоғингиз даркор.

— Минг бор раҳмат сизга, ўзингиз ўқита берсангиз ҳам бўлармиди, ҳали ёш-ку, ўглим.

— Йўқ, менинг сизга маслаҳатим, шаҳримизга олими замон Абдуллоҳ Нотилий деган обрўэтиборли инсон келибдур. Унинг мақсади сизга ўхшаш маърифатли оилаларнинг фарзандларига устозлик қилиб, сабоқ беришдур. Агар жоиз бўлса, уни хонадонингизга ўзим бошлаб борурмен. Ҳусайнни ўз ўглимдек кўриб қолдим, сизга бир яхшилик қилишни дилимга тугиб қўйган эрдим, — деди Массоҳ.

— Сизга яна бир бор ташаккур, беҳад миннатдормен. Майли, сиз айтқонча бўлгай, Нотилийни истаган вақтингизда хонадонимга бошлаб бораверинг, уйимиз тўри сизники, — деди Абдуллоҳ қуллуқ айлаб.

Абдуллоҳ Нотилий ўша даврнинг таниқли алломаларидан бўлиб, фасафа, мантиқ ва ҳандаса илмларидан яхши хабардор муаллим эди.

Ўша куни кечга томон Маҳмуд Массоҳ Нотилий билан бирга Абдуллоҳнинг хонадонига ташриф буюрди. Салом-аликдан сўнг, Абдуллоҳ бошқа хонада мутолаа қилиб ўтирган ўглини ҳузурига чақиртирди.

Ҳусайн ўтирганларга одоб билан салом бериб, хонанинг пойига чўкди. Абдуллоҳ ўглига унинг бўлажак устози Нотилийни таништирди.

— Отажон, не десангиз, сиз айтганча бўлгай, — деди одоб билан ўгли.

Нотилий бўлажак шогирдига синчковлик билан қараб турарди. Ҳа, анча зийрак кўринур, одобли, соғлом, боз устига илмга, ўқишга чоғлиги ранг-рўйидан кўриниб турар. Кўп мутолаа қилғонлиги киртайган кўзларидан маълум, деб хаёлидан ўтказди Нотилий.

— Юнон алломаларидин кимни билурсен? — савол берди синамоқчи бўлиб Нотилий.

— Арастунинг китобини олган эрдим, ўқиб унча яхши тушуна олмадим, — деди Ҳусайн.

— Ҳали Арастуни ўқишга эрта, аввал бошқа илмларни ўрганмоқ даркор. Арастуни тушунмоқ учун ҳазрат Фаробийни ўқисангиз, ҳамма нарса равшан бўлур, — деди Нотилий бўлажак шогирдига. — Қуръони каримни-чи?

— Ўқиб, ёдлаб олдим, тақсир.

— Мазмунини таҳлил этиб берурсанму?

— Тақсир, қўлимдан келганча, — деди Ҳусайн.

— Қуръон неча сурадан иборат эрур, — сўради Нотилий синовчан кўзлари билан бўлажак шогирдига тикилиб.

— 114 сурадан иборатдур!

— Қайси сура билан очилур?

— "Фотиҳа сураси" бирлан.

Хуллас масала ҳал бўлди, ҳамма рози, Абдуллоҳ ҳам. Ҳовлининг бир чеккасидаги меҳмонларга аталган хона Нотилийга берилди.

Эртаси бомдод номозидан кейин Нотилий Ҳусайннинг хонасига кирганда шогирди аллақачон туриб, хонтахта устида мутолаа қилиб ўтирарди. Ҳусайн устозга ҳурмат юзасидан ўрнидан туриб икки қўли кўксида салом берди. Танишув бошланди. Ҳусайннинг хонасидаги токчаларда анчагина китоблар териб қўйилган бўлиб, улар орасида ҳали боланинг ёшига тўғри келмайдиган юнон, араб, форс олимларнинг ноёб китоблари ҳам бор эди. Устоз хурсанд, билдики, шогирдининг билим олишга иштиёқи зўр. Токчалардаги китоблар орасида тиббиётга оидлари ҳам анчагина. Нотилий Ҳусайннинг тиббиётга ҳам иштиёқи борлигини сезди.

— Ўглим, сенинг тиббиётга қизиқишинг мени беҳад хурсанд этди, — деб қолди.

— Нечун шундай фикрга келдингиз, устоз, — деди Ҳусайн таажжубда.

— Токчалардаги китоблардан, — деди Нотилий ва давом этди:

— Табобат илмини ўрганмоқ, ҳакимлик касбини танламоқ, дунёдаги энг саховатли ва савоб ишдир. Ўзинг тананга ўйлаб кўргил, дардли, касалга чалиниб хасталарни даволамоқ, уларнинг жонига оро кирмоқдан улуг савоб иш борми? Бу касб сенга шон-шараф келтирур, ҳамиша иззат-икромда бўлурсен, подшоҳлар даргоҳида ҳам сени ҳурмат билан кутиб олурлар. Иссиқ жон борки, албатта, хасталик бордур, сен эл-юртга керак одам бўлурсан. Ҳаётинг ҳам яхши ўтқай, бирор нарсага зор бўлмагайсен.

Ҳусайн устози Нотилийнинг панд-насиҳатларини эътибор билан тинглар, ўзи ҳам кейинги вақтларда ўйлаб юрган орзу-умидларини рўёбга чиқаришда унинг учун тўғри маслаҳат бераётган устозига қўлини кўксига қўйиб, маъқуллаётгандай эди.

Нотилий шогирдига қўлидан келганча илму фан асосларини ўргатар, айниқса фалсафа, мантиқ, фиқҳ ва аниқ фанлар бўйича кенг маълумотлар берар, зарур адабиётларни мустақил ўқишни тавсия этиб, кейин қандай ўқиб олганини имтиҳон айларди. Ҳусайн устози бериган адабиётларни қунт билан ўқиб, ўрганиб борган сайин китобларда битилган фикрларни ўзича мулоҳаза қиларди. Фикри теран йигитча Нотилий билмаган нарсаларни ҳам ўзича ўқиб, баъзан устозини қийин аҳволга солиб қўйган дамлари ҳам бўларди.

Бу ёғига Ҳусайнга муаллимлик қилмоқ унинг учун анча мушкул. Шогирди ҳар куни унга мураккаб масалаларни топиб келиб саволларга тутар, Нотилий бўлса шогирди ўқиётган китобларнинг баъзиларини умрида ўқимаган, номини ҳам билмайди. Арастунинг машҳур китоби ҳақидаги саволларига Нотилий яхши тушуна олмади. Бу китоб анча мураккаб ёзилган экан.

— Ўглим, энди сен ўзинг ўқиб, ўзингча ечишга ҳаракат қила бер, мен сенга тўғри ё нотўғрилигини кўрсатиб турарман, — деди Нотилий ўнгайсиз аҳволда қолиб.

(Давоми бор.)

ТАФАККУР

ҲАР ДОИМ КУТУБХОНАНГДА ЯНГИ КИТОБИНГ, ЕРТЎЛАНГДА — МАЙ ТЎЛА ШИШАНГ, БОҒИНГДА – ЯНГИ ОЧИЛГАН ГУЛИНГ БЎЛСИН. *Эпикур*

Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгашининг ижтимоий-сиёсий газетаси

Бош муҳаррир Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ

Таҳрир ҳайъати
Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,
Иқбол МИРЗО,
Турсунали ҚЎЗИЕВ,
Турғунпўлат ДАМИНОВ,
Равшан ҲАЙДАРОВ,
Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ,
Исмоил САИФНАЗАРОВ,
Собир ТУРСУНОВ,
Светлана ОРТИҚОВА,
Мукаррамхон АЗИМОВА,
Жуманиёз АЛИБЕКОВ,
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Талъат МУРАТОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 016 рақами билан рўйхатга олинган

МАНЗИЛИМИЗ:
700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар:
Қабулхона — 133-40-86, 136-53-14
Факс — 133-41-89
Котибият — 136-55-96
Сиёсат ва партия ҳаёти бўлими — 133-41-89
Хатлар бўлими — 136-55-64
Маънавият, адабиёт ва санъат бўлими — 136-54-39
Иқтисодиёт ва саноат бўлими — 136-54-39
Маркетинг ва реклама бўлими — 136-55-96

Навбатчи муҳаррир — Д. Жозилов
Навбатчи — М. Абдушукуров
Мусаҳҳиҳ — Н. Муҳсимова
Саҳифаловчи — Л. Турсунов

• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
t — Мазкур белги остида тижорат мақолалари чоп этилади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Буюртма Г— 500
Ҳажми — 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилган
Қоғоз бичими А-2.
Адади — 2045

Нашр индекси —100

Ҳафтанинг жума кунлари чиқади.

Босишга топшириш вақти — 20.00
Босишга топширилди —